БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 99 (330)

20 МАЙ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши. Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи (1-нчи ва 2-нчи бетлар).

ССР Иттифоқи Большой театрида концерт (2-нчи бет).

М. Мирсоатов, К. Ҳасанбоев. — Заёмга якдиллик блан ёзилмоқдалар (2-нчи бет).

МАКТАБ ҲАЁТИ. — **Ф. Аралов.** — Имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда (2-нчи бет).

Ғўза парваришини тез ва юқори сифатли ўтказиш учун барча кучларни сафарбар этайлик! (3-нчи бет).

Г. Пешес. — Илғор иш усулларини оммалаштириш тажрибасидан (3-нчи бет).

Жаҳон Тинчлик Ассамблеяси олдидан (4-нчи бет).

СССР ва АҚШ нинг бир-бирларига қишлоқ хўжалик делегациялари юборишлари тўғрисида (4-нчи бет).

Чехословакия Миллат мажлиси президиумининг қарори (4-нчи бет).

Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг сессияси ҳақида (4-нчи бет).

Албания блан Югославия ўртасида савдо битим имзоланди (4-нчи бет).

Рационализаторлар таклифини ишлабчиқаришга кенг жорий қилайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати саноатимиз олдига жуда катта вазифаларни, чунончи: техника прогрессини ҳамма чоралар блан олға суриш, ишлабчиқариш процессларини такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини янада юқори босқичга кўтариш каби вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни муваффақият блан амалга оширишда ихтиро'чи ва рационализаторлар муҳим роль ўйнайдилар. Шу сабабли саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари ихтиро'чилар ва рационализаторлар блан ишлашга доир масалаларни атрофлича ва кенг муҳокама қилдилар.

Партия ва ҳукумат халқ оммасининг яратучилик қобилиятини бутун тўлалиги блан рўёбга чиқариш, унинг ижодий равнақи ва гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бермоқдалар. Шунинг учун ҳам саноатда, транспортда, қурилишларда, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигимизнинг бошқа соҳаларида рационализаторлар сафи тўхтовсиз ўсиб, кенгайиб бормоқда, ҳар йили фақат ишлабчиқариш практикаси учунгина эмас, балки фан ва техника тараққиётини янги босқичга кўтаришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган кўплаб янгиликлар яратилмоқда.

Оддий совет кишисининг энг қимматли фазилати шундаки, у ишлабчиқаришдаги ҳарбир процесса таҳкиднй нуқтаи назардан қарайди, уни ўзгартиш, такомиллаштириш устида тинмай ижодий изланади, детальлар, машиналар конструкциясини ишдан-игнасигача пухта билиб олишга ҳаракат қилади, ишлабчиқаришда йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабабларини ҳартомонлама ўрганади ва бу камчиликларни йўқотиш ҳақида ўз таклифларини киритади. Бу таклиф, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин—барибир, ягона битта мақсадни — давлат планларини тўла ва ошириб бажариш, кўплаб ҳомаш'ё ва ёрдамчи материаллар тежаш имкониятини вужудга келтиришни кўзлайди.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи ўзининг кўпсонли ихтиро'чи ва рационализаторлари блан ҳақли равишда фахрланади. Комбинат аппаратчиси Анна Маслова технология процессларини а'ло даражада бошқариш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, унинг сифатини яхшилаш ҳақида таклиф киритди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу таклиф Совет Иттифоқидаги химия саноати корхоналари коллективлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланади. Ҳозир мингларча аппаратчилар Анна Маслова таклиф этган метод асосида ишлашмоқдалар. Шунингдек, комбинатнинг новатор-ишчиси Мария Коротина химия саноатида биринчи бўлиб кўплаб хомаш'ё тежаш ҳаракатини бошлаб берди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ихтиро'чи ва рационализатор ишчилар ҳартомонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида уларнинг сафи тобора кўпаймоқда ва ишлабчиқариш процессларини такомиллаштиришга оид таклифлар сони ошмоқда. Комбинат цехларида энг яхши рационализаторлар таклифларининг виставкалари ташкил этилган. Фабрикаларда вақт-вақти блан ихтиро'чи ва рационализаторларнинг конференциялари ўтказиб турилади. Шу йилнинг 4 ойида коллективдан 200 дан ортиқ таклиф тушди. Бу таклифларни амалга ошириш натижасида меҳнат унумдорлиги анча ошди, хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни кўплаб тежаш имкониятини туғилди.

Броқ, областимиздаги ҳамма саноат корхоналарида ҳам ихтиро'чи ва рационализаторлар лозим даражада қўллаб-қувватланмоқда, деб айтиб бўлмайди. Ба'зибир корхоналарда ихтиро'лар ва рационализаторлик таклифларини қараб чиқиш ва уни амалга ошириш кўпинча узоқ вақтгача чўзиб юборилмоқда. Натижада кўпгина қимматли таклифлар эскириб қолмоқда.

Чирчиқдаги Ўрта Осиё химия машинасозлиги заводида рационализатор ва ихтиро'чилар блан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида ишчиларнинг янгидан-янги ижодий изланишларига, уларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашларига катта тўсқинлик қилмоқда. Конструктор Ўртоқ Кулик 1952 йили бирнеча ўн минг сўмлик маблағ иқтисод қилиш имкониятини беручи таклиф киритди. Корхона раҳбарлари ҳар йиғилишда, ҳар кенгашда бу таклифнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида қайта-қайта гапирдилар. Афсуски, орадан 3 йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай, Ўртоқ Куликнинг муҳим таклифи ҳали ҳам ишлабчиқаришга жорий қилинмай келаётир. Шунингдек, рационализаторлардан электрпайвандчи Тшинкоренко, мастер Муждабоев ва бошқа Ўртоқларнинг 1954 йил январь ойида киритган муҳим таклифлари шу кунгача амалга ошмай келмоқда. Рационализаторлик ва ихтиро'чилик бюросининг раҳбарлари (инженери Ўртоқ Чурин) новаторишчилар блан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Бундан завод партия комитети ҳам (секретари Ўртоқ Давидов), касаба союз комитети ҳам (раиси Ўртоқ Давиденко) жуда яхши хабардор. Корхона коммунистлари партия йиғилишларида рационализаторлик ишларини яхшилаш ҳақидаги масалани бирнеча бор кўтариб чиқилар. Аммо бу соҳада ҳечқандай силжиш бўлмаётир.

Худди шундай аҳволни Бекободдаги асботруба ва цемент заводларида ҳам кўриш мумкин.

Айрим раҳбар ходимларнинг янгиликка, ижодий таклифларга нисбатан бефарқ қарашлари, ба'зан эса эскиликка маҳкам ёпишиб олиб, янги усулнинг кенг ёйилишига тўсқинлик қилишларининг сабаби шундаки, янги усул ишлабчиқариш операцияларини қайта кўриб чиқиш, ба'зи технологик процессларни ўзгартириш, қўшимча равишда айрим мосламалар тайёрлашни тақоза қилади. Бу эса ўз навбатида ма'лум миқдорда бош қотиришни, янгиликнинг галабасини та'минлаш учун жон куйдириб ишлашни талаб қилади. Броқ, ўзининг шахсий хотиржамлигини умум манфаатидан устун қўючи, қотиб қолган раҳбар жон куйдириб ишлашни унча хуш кўрмайди. Шуни унутмаслик керакки, янгиликка нисбатан бундай консерватив муносабатда бўлиш умум ишимизга жуда катта зарар келтиради. Шу сабабли партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари совет кишиларига бутунлай ёт бўлган бундай тенденция қаерда пайдо бўлса, уни ўша ерда ҳечбир кечиктирмасдан қаттиқ қоралашлари керак.

Корхоналарда техника прогрессини доимо олға қараб силжитишга оид масалалар партия ва касаба союз ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим. Чунки, бусиз социалистик ишлабчиқаришни тобора ривожлантириш мумкин эмас. Янги усулнинг кенг ёйилишига тўсқинлик қилаётган шахслар, бу шахслар ким бўлишидан ва қайси вазифада ишлашидан қат'ий назар, шафқатсиз равишда фош қилиниши, янгилик йўлини тўсишга интилиш тенденциялари кенг жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланиши лозим. Шунга эришмоқ керакки, ҳарбир ишчи, технолог, инженер, конструктор техника прогрессини олға қараб ривожлантириш учун бошланган умумхалқ курашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшсин. Коллективнинг ҳарбир а'зоси, раҳбар ходимдан тортиб то оддий ишчигача, техника прогресси учун бошланган курашдан четда қолмасин.

Корхона коллективларининг активлигини ҳарқачонгидан ҳам ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ишчилар, инженер-техниклар томонидан яратилаётган ҳарбир янгиликни ҳечбир кечиктирмай, ўз вақтида амалга ошириш ва уни амалга оширишда кўпинча узоқ вақтгача чўзиб юборилмоқда. Натижада кўпгина қимматли таклифлар эскириб қолмоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг президенти ўртоқ ХО ШИ МИНГА

Қадрдон ўртоқ Хо Ши Мин!

Туғилган кунингиз муносабати блан Сизни самимий қутлайман ва эрксевар ватанингизнинг бирлиги, миллий мустақиллиги ва гуллаб-яшнаши учун курашда Сизга куч-қувват ҳамда соғ-саломатлик тилаймиз. Тинчлик йўлидаги олижаноб ишингизда ҳам Сизга чин қалбдан муваффақиятлар тилайман.

К. ВОРОШИЛОВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

1955 йил 18 май.

* * *

Қадрдон ўртоқ Хо Ши Мин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сиз 65 ёшга тўлган кунда Сизга — Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг ташкилотчиси ва раҳбарига ҳамда вьетнам халқини империализм кишанларидан озод қилиш йўлида толмас курашчига—қизғин, қардошлик саломи йўллайди ва сиҳат-саломатлик тилайди.

Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш учун, бирлашган, мустақил ва демократик Вьетнам учун курашда Сизга янада муваффақиятлар тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

17 майда Катта Кремль саройида саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом этдирди.

Эрталабки мажлисда «Уралмаш» заводи директори Ўртоқ **Глебовский** биринчи бўлиб сўзга чиқди. Бу завод металлургия, кон-руда, нефть, кўмир саноатлари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун асосий ускуналарни етказиб беручи жуда катта корхонадир. Заводда 1954 йилда маҳсулот ишлабчиқариш 1940 йилдагига нисбатан 5,5 баравар кўпайди.

Ўртоқ Глебовский дедики, корхоналар янги техникани жорий қилишга иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлишлари лозим. Шундай қилиш керакки, янги машиналар яратишга корхона манфаатдор бўлсин ва эски машиналарни ишлаб чиқаришга манфаатдор бўлмасин. Завод раҳбарларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, министрликларнинг ана шу раҳбарларнинг ишидаги ҳарбир майда-чуйда нарсага аралашаверишига чек қўйиш керак. Ишлабчиқаришда мастерларнинг ролини ошириш ҳам жуда муҳимдир.

Сўнгра нотиқ ишлабчиқаришни кооперативлаштириш ва ихтисослаштириш масаласига тўхталади.

Москвадаги қаттиқ қотишмалар комбинатининг директори Ўртоқ **Соловьевга** сўз берилди. У, суткалик графикни жорий қилиш соҳасида катта ташкилий иш олиб борилганлигини айтиб берди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ **Мельников** республикада кейинги йилларда саноатнинг ривожланганлиги ҳақида гапирди ва саноатнинг ба'зи тармоқлари ишида бўлган камчиликларга асосий э'тиборни жалб қилди. Жиддий камчиликларнинг бири шуки, давлат плани ҳарқайси корхона учун ҳали ҳам қонун бўлиб қолгани йўқ. Ҳар йил корхоналарнинг каттагина қисми белгиланган топшириқларни бажармасдан келмоқда. Меҳнат кўп талаб қиладиган ёрдамчи ишларни механизациялаш паст даражада эканлиги, саноатнинг бирқанча тармоқларида меҳнат унумдорлигини янада оширишга халақит бермоқда.

Сўнгра Харьков турбина заводининг токари Ўртоқ **Кисляков** сўзга чиқди. Нотиқ, 1955 йилнинг ўтган ойлари мобайнида йиллик нормани тўла бажариб қўйдим ва урушдан кейинги давда 23 йиллик нормани бажардим, деб айтганида кенгаш қатнашчилари унинг бу сўзларини қарсаклар блан қутиб олдилар.

Нотиқ олимлардан карусел станоклар ишининг тезлигини ошириш учун махсус инструментлар яратиб беришни талаб қилди. Ўртоқ Кисляков ўзи ишлаб турган бир турбиналари цехи коллективи номидан ва'да бериб, турбинасозлар совет турбинасозлигининг жаҳонда энг яхши бўлиши учун бутун кучларини сарф қиладилар, деб айтди.

СССР Нефть саноати министри Ўртоқ **Байбаков** сўзга чиқиб айтдики, ҳозирги бешинчи бешйилликда нефть чиқаришнинг йиллик ўртача ўсиши урушга қадар бўлган бешйилликка қараганда бирнеча марта кўпаяди. Кўп нефть чиқадиган янги конларнинг топилганлиги, айниқса Волга блан Урол ўртасидаги районларда шундай нефть конлари кўп топилганлиги нефть чиқаришнинг мана шундай кўпайтирилишига ёрдам берди.

Министр айтдики, нефть саноатида унинг янада муваффақиятлироқ ривожланишига халақит бераётган жиддий камчиликлар ҳали кўп. Пармалаш ишларини ташкил қилишда бундай камчиликлар айниқса кўп учрамоқда. Пармалаш ишларининг ҳажми асосан станоклар сони кўпайтирилганлиги ҳисобига ўсди, аммо пармалаш тезлигини ошириш ҳисобидан эса жуда кам ўсди.

Сўнгра Ўртоқ Байбаков газ чиқадиган конларни ишлатишдаги, янги технологияни жорий қилишдаги, хом нефтни қайта ишлашдаги камчиликларга тўхталиб ўтди.

Главуралэнерго бошлиғи Ўртоқ **Маринов** ўз нутқини Уролда энергетика системасини ривожлантиришга бағишлади.

Харьков трактор заводининг фрезерчиси Ўртоқ **Лупандин** сўзга чиқади. Ўртоқ Лупандин меҳнатда юксак кўрсаткичларга қандай йўллар блан эришаётганлигини айтиб, тажриба алмашишни ташкил этишдаги камчиликлар тўғрисида гапирди.

Ўртоқ Лупандин айтдики, меҳнатни нормалаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида саноатда шу вақтгача лозим бўлган тартиб ўрнатилгани йўқ. У бирқанча мисоллар келтириб, малажаси бирхилда бўлган ишчиларнинг бажараётган ишидаги ишига ҳархил ҳақ тўланаётганлигини кўрсатиб берди.

— Свердловск области ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари, — деди КПСС обкомининг секретари Ўртоқ **Козлов,** — партия ва мамлажат олдиларги жавобгарликни жуда чуқур англаб, бешинчи бешйиллик планини муддатидан олдин бажариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашмоқдалар. Область саноати бешйилликнинг тўрт йили топшириғини муддатидан олдин бажариб, қўшимча равишда қарийб икки миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бунга эришишда янги техникани ва илғор технологияни қўлланиш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш ва корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлашини ташкил этиш катта роль ўйнади.

Лекин биз ишлабчиқариш резервларини ҳали ҳам яхши топиб олаётганимиз йўқ,— деди нотиқ,—саноатга раҳбарлик қилишдаги камчиликларни йўқотиш учун курашга область партия ташкилотининг бутун кучини сафарбар қилаолмадик.

Эрталабки мажлисда химия саноати илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари Ўртоқ **Якименко,** СССР Саноат товарлари министрлиги техника бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Петров,** СССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари академик **Топчиев** ҳам сўзга чиқдилар.

★ ★ ★

Ленинграддаги Киров заводининг директори Ўртоқ **Исаев** кечки мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиқди. Ўртоқ Исаев корхоналар коллективларининг янги машиналар чиқаришига манфаатдор бўлишини та'минлайдиган планлаштириш системаси вужудга келтиришни таклиф қилади. Завод директорларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, катта корхоналарга мавжуд тажриба асосида янги ишлабчиқаришни ташкил этиш масалаларини ишлаб берадиган проект-технология группалари тузиш имкониятини бериш зарур.

ВЦСПС раисининг ўринбосари Ўртоқ **Соловьев** ўз нутқида касаба союз ташкилотларининг Партия ва Ҳукумат томонидан саноат ходимлари олдига қўйилган вазифаларни бажаришга ишчилар ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусларини сафарбар қилишдаги вазифаларига тўхталди. Бу ишда социалистик мусобақанинг катта роли бор.

Сталин номидаги Москва автозаводининг директори Ўртоқ **Крилов** сўзга чиқиб айтдики, металлургия саноатининг корхоналари заводга сифати қониқарсиз металл бермоқдалар. «Красний Октябрь», «Серп и молот», «Запорожсталь» заводлари ва бошқа заводлар шундай корхоналар жумласидандир.

Нотиқ, программани тўла ва ошириб бажарганлик учун мукофот беришнинг мавжуд системасини ўзгартириш, янги техникани актив жорий қилаётган корхоналар учун рағбатлантиручи тадбирлар вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Сталин номидаги Ново-Краматорск машинасозлик заводининг (Донбасс) бош инженери Ўртоқ **Карпов** ўз нутқининг анчагина қисмини янги ускуналарни жорий қилиш масалаларига бағишлади.

«Главприморрибпром»нинг бош инженери Ўртоқ **Дроздовга** сўз берилди. Приморье ҳавзасидаги балиқчилик саноатининг ишини, деди у, ўтган йил Н. А. Булганин, А. И. Микоян, Н. С. Хрушчев Ўртоқлар Узоқ Шарққа борган вақтларида қаттиқ ва ҳақли танқид қилган эдилар. Бу йил аҳвол бирмунча ўзгарди. Балиқ овлаш, консервалар ишлаб чиқариш, ялпи маҳсулот чиқариш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича тўрт ойлик план ошириб бажарилди. Сўнгра Ўртоқ Дроздов балиқчилик саноатининг ишларида жиддий камчиликлар борлигини: балиқ овлайдиган кемаларнинг ишламай тўхтаб қолиши (простойлари) кўп эканлигини, корхоналарнинг ишлабчиқариш қувватларидан тузук фойдаланилмаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Кечки мажлисда Димитров номли 5—6-нчи шахтанинг (Донбасс) участка бошлиғи **Бридько,** станоксозлик ва инструментал саноати министри **Костоусов,** Ленинграддаги резинатехника буюмлари заводининг директори **Файбишенко** ва Одессадаги Октябрь революцияси номли заводнинг бош конструктори **Гогунский** Ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

★ ★ ★

18 майда Катта Кремль Саройида саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом этдирди.

Первоуральскдаги янги труба заводининг (Свердловск областида) мастери Ўртоқ **Чурсиновга** сўз берилди. У ўз бригадаси меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун қандай курашаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Ҳарбир ишчи ўз вазифаларини яхши билади ва уларни усталик блан бажаради. Прокатчилар слесарлик ишига ўргатилган ва ба'зи ремонт ишларини бажарадилар. Илгари бу ишларни махсус слесарлар бригадаси қилар эди.

Бизнинг заводимизда, деди Ўртоқ Чурсинов, ҳали брак чиқиши жуда катта. Биз бракка қарши курашамиз-у, лекин бракни қандай қилиб тугатишни кўпинча билмаймиз. Бракни қандай қилиб тугатишни кўпинча билмаганлигимиз сабабли брак кўп чиқаётир. Бизга янги технологияни ишлаб чиқишда илмий-текшириш институтлари жиддий ёрдам беришлари керак.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси Ўртоқ **Емельянов** атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар муносабати блан саноат ишлабчиқаришини такомиллаштириш соҳасида катта имкониятлар очилганлиги ҳақида сўзлайди. Янги энергетика негизи яратилибгина қолмай, балки хилма-хил радиоактив изотоплар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш имконияти ҳам вужудга келтирилди. Масалан, Куйбишев, Горький ва Сталинград электростанциялари қурилишида землесосларда радиоактивли кобальт ўрнатилган асбоблар ишлатилдики, бу тадбир машиналарнинг иш унумдорлигини 20 процент ошириш имкониятини берди. Изотоплардан кенг фойдаланиш кўпгина технологик процессларни тубдан ўзгартиришга ёрдам беради, янги илмий принципларга ашпаратура ва асбоблар яратиш имкониятини беради.

Химия саноати министри Ўртоқ **Тихомиров** қайд қилиб ўтдики, оғир саноатнинг ма'лум муваффақиятларга эришган бу муҳим тармоғида ҳали катта камчиликлар бор. Халқ хўжалигининг кўпгина химия маҳсулотларига бўлган талаби тўла қондирилмаётир. Кейинги йилларда ўғит ва заҳарли химикатлар ишлабчиқариш кўпайган бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги уларни зарур миқдорда олаолмай келади. Автомобиль саноати учун шиналар, пластик массалар етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаётир. Маҳсулот айрим турларининг сифатини анча яхшилаш талаб қилинади.

Ўртоқ Тихомиров бирқанча мисоллар келтирди. Бу мисоллар химия саноатида ишлабчиқариш қувватларини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун катта резервлар борлигини кўрсатади. Мана бу резервлардан тўла фойдаланмоқ учун бу ишга мумкин қадар кўпроқ инженерларни, техникларни ва ишлабчиқариш илғорларини жалб қилиш керак.

Москвадаги Серго Оржоникидзе номли станоксозлик заводининг новатор рандаловчиси Ўртоқ **Лаврентьев** ахборот бериб айтдики, кейинги вақтда бу корхонанинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари заводнинг ишини яхшилашга қаратилган 150 дан кўпроқ таклиф тақдим этдилар. Ишчилар мавжуд станокларни модернизация қилишга айниқса жиддий аҳамият бермоқдалар. Бунинг қанчалик самарали эканлигини шу факт кўрсатадики, ёлғиз иккита рандалаш станогинининг модернизация қилинишининг ўзи станокларнинг сур'атини икки баравар оширди. Завод конструкторлари рационализация тартибида токарлик станокларига гидрокопироваль асбоблар тайёрлаб бердилар. Бу эса ҳарбир токарлик станогида паст-баландли валикларни ва фасонли детальларни икки-уч баравар тез ишлаш имкониятини беради.

Металлургия заводларини проектлаш институтининг сектор бошлиғи Ўртоқ **Андоньев** ўз нутқини проектлаш институтларининг ишини уюштириш масалаларига бағишлади. Қора металлургиядаги проектлаш институтлари, деди у, ишлабчиқаришни анализ қилиш блан деярли шуғулланмайдилар, шунинг натижасида печьларнинг конструкцияси соҳасидаги ҳамма такомиллаштиришларни заводлар ўзлари қиладилар. Проектлаш институтларини проектлаш-текшириш институтларига айлантириш керак. Бу институтлар ўзлари яратган агрегатларнинг ишини анализ ва контроль қилиб туришлари лозим.

Златоуст металлургия заводининг директори Ўртоқ **Перцев** ўз нутқида СССР Қора металлургия министрлигининг ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Министрлик завод раҳбарлари блан доимо алоқа қилиб турмайди. Министрлик ўз олдида ва айрим заводлар олдида турган энг муҳим вазифаларни муҳокама қилиш учун корхона директорларини, инженерларини, ишлабчиқариш илғорларини чақириб, кенгашлар ўтказиб туриши лозим.

Златоуст заводи 200 дан кўпроқ маркали пўлат ишлаб чиқаради ва ҳажми жиҳатидан кичкина бўлган заказлар блан банд қилиб қўйилади, бу эса ишлабчиқаришни жуда мураккаблаштириб юборади. Нотиқ мана бундай аҳволни ғайри-табиий ҳол деб ҳисоблайди. Ўртоқ Перцев металлургия корхоналарида техника янгиликлари секин жорий қилинаётганлиги ҳақида сўзлайди.

Кенг исте'мол товарлари саноати ишчилари касаба союзи марказий комитетининг раиси Ўртоқ **Нефедова** саноатни янада юксалтириш ишида касаба союз ташкилотларининг иштироки ҳақида сўзлади. Фабрика-завод комитетлари меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг ишини яхшилаш соҳасида хўжалик раҳбарлари блан биргаликда катта ташкилий ишлар қилдилар. Нотиқ илғор иш тажрибаларини пропаганда ва жорий қилишлаги камчиликларни қайд қилиб ўтади. Корхоналарда бу масалалар блан одатда кадрлар бўлими ёки меҳнат бўлими ходимлари шуғулландилар, цех бошлиқлари, технологлар, лабораторияларнинг инженерлари эса кўпинча четда туриб келадилар. Илғор корхоналарнинг тажрибасини қолоқларга ёйиш иши яхши уюштирилмаган.

Ўртоқ Нефедова ўз нутқининг анча қисмини ишчи хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши масалаларига бағишлади.

Кенгашда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Н. С. Хрушчев** нутқ сўзлади. Кенгаш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи

Саноатимизнинг ишига доир масалалар тўғрисида ўз фикримни айтишдан олдин,— дейди Ўртоқ Хрушчев, — мен қишлоқ хўжалигидаги аҳволни характерлайдиган ба'зи рақам ва фактларни келтириб ўтишни истардим. Партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Партия Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган вазифалар илгари мўлжалланганидек 6 йил ичида эмас, балки 3—4 йил ичида бажарилади, деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор.. **(Давомли қарсаклар).**

Дон хўжалигига доир ба'зи рақамларни келтириб ўтаман. Ма'лумки, дон хўжалигини ривожлантириш ва шу асосда чорвачиликни юксалтириш Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида қўйилган асосий вазифадир.

План бу йил дон экинлари майдонини 1953 йилдагига нисбатан 18 миллион 587 минг гектар кенгайтиришни кўзда тутади. Аммо, колхоз ва совхозларнинг бу планни кенгайтириш томонига бирмунча ўзгартиражакларига аминман. План шубҳасиз ошириб бажарилади. Бизда ўтган йили мўлжалланган 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ер ўрнига 17 миллион гектардан ортиқ ер очилди.

Агар бунга кўкламда ҳайдаб қўйилган икки миллион гектарни қўшсак, у ҳолда қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобигагина тахминан 20 миллион гектар ерга экин экилади. Агар биз ҳар гектар ердан 60 пуддан дон етиштирганимизда ҳам, мамлакат қўшимча равишда 1 миллиард 200 миллион пуд галла олади. Буни биз илгари эга бўлганимизга қўшсак, бу кичкина рақам эмас. Бу нарса бизни қувонтиради.

Экин майдонларини тезликда кенгайтираолишимизга ва дон хўжалигини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтираолишимизга имкон берган нарса нима? Бунга сабаб шуки, — деди Н. С. Хрушчев, — бизнинг қудратли социалистик индустриямиз қўриқ ерларни ўзлаштирилаётган районларни яхши машиналар блан етарли миқдорда та'минлади. Ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли, комсомолнинг партия чақиригига мувофиқ, қўриқ ерларга ўзининг неча минглаб энг яхши кишиларини юборганлиги туфайли бунга эришиш мумкин бўлди.

Бу йил кўклам кечикиб келганига қарамай, кўкламги экиш ўтган йилдагидан анча яхшироқ бормоқда. 15 майгача мамлакатнинг колхоз ва совхозларида ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 16 миллион 300 минг гектар кўпроқ ерга дон, шу жумладан 11 миллион 750 минг гектар кўпроқ ерга буғдой экилди.

Бизда маккажўхори майдонлари кескин суратда кенгайтирилмоқда. Колхоз ва совхозлар бу ишда зўр активлик кўрсатмоқдалар, жуда кўп нарса уларнинг ана шу активлигига боғлиқдир. Маккажўхори чорвачиликни ривожлантириш учун қудратли восита эканлиги амалда исбот қилингандир. Бу йил маккажўхори кенг миқ'ёсда экилмоқда ва маккажўхори экиш тез сур'атлар блан олиб борилмоқда. 1954 йилдаги 3,5 миллион гектар ўрнига 16 миллион гектар ерга маккажўхори экиш мўлжалланади. 15 майгача ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 миллион гектар кўп ерга маккажўхори экилди.

Бу йил кўпчилик районларнинг иқлим шароити яхши келди, ҳаммаерда етарли миқдорда намлик бор. Агар олдиндан кўрилмаган бирор аҳвол рўй бермаса (табиатда эса бундай аҳволлар кўп учрайди), бу йил мўл ҳосил олишга ҳамма асосларимиз бор.

Чорвачилик соҳасида ҳам ба'зи натижаларга эгамиз. Ма'лумотларга кўра, кейинги етти ой ичида ялпи сут соғиб олиш 1953 — 54 йилнинг шу давридагига нисбатан 840 минг тонна, ёки 29 процент ортган ва 1952 — 1953 йилдагига нисбатан 1 миллион 424 минг тонна, ёки 60 процент кўпайган. 1955 йилнинг 10 майигача 1954 йилнинг шу давридагига нисбатан 22 порцент кўпроқ сут тайёрланди ва сотиб олинди.

Партия чорвачиликни ривожлантиришда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, уларнинг ташаббусини кучайтираолганлиги, партия ташкилотларининг э'тиборини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратаолганлиги, машина-трактор станцияларини кадрлар блан мустаҳкамлай олганлиги натижасида бу муваффақиятларга эришилди.

Дон хўжалиги ва чорвачиликка доир ана шу ма'лумотлар, дейди Н. С. Хрушчев, — партия Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигини исбот қилади. Бу гапдан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига э'тиборни сусайтириш ва ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин, деган ма'но келиб чиқмайди, албатта. Биз бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда зўр гайрат блан ишлашимиз, ишни уюштиришимиз ва олға бостиришимиз керак. Бизнинг мақсадимиз — социалистик қишлоқ хўжалигининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан, саноатни эса хомаш'ё блан мўл-кўл қилиб та'минлай оладиган даражага эришишдир. Бизда бу вазифани бажариш учун барча имкониятлар мавжуддир.

Сўнгра, ўртоқ Хрушчев саноат масалаларига тўхталиб ўтади.

Душманлар бизнинг саноат масалаларини кенг муҳокама қилаётганимизни кўриб, уларда катта қийинчиликлар бор экан, уларнинг саноатининг аҳволи кўнгилдагидек эмас экан, деб айтишлари мумкин. Бундай гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди, албатта. Биз яхши нарсани истаймиз, яхши нарсанинг эса чегараси бўлмайди. Шу сабабдан, биз халқ хўжалигининг тараққиётига доир айрим масалаларни доимо ўртага қўйиб, муҳокама қилиб турамиз.

Бизнинг саноатимиз қандай ишламоқда? Саноатимиз муваффақиятли ишламоқда. Бешинчи бешйиллик план ошириб бажарилади, деб ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин. Бу нимани кўрсатади? Бу, ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз ва совет интеллигенцияси Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўрсатади. **(Давомли қарсаклар).**

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида оламшумул-тарихий ғалабаларга эришди. Коммунистик партия бош йўлининг амалга оширилиши натижасида бизнинг мамлакатимиз қолоқ аграр мамлакатдан илғор индустриал-колхоз мамлакатига айланди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совет халқи Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин та'лимотига амал қилиб, социализм қурди ва коммунизм йўлидан зўр ишонч блан олга бормоқда. Бизнинг вазифамиз — бундан буён ҳам Совет Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлашдан, халқ хўжалигини ва, биринчи галда, оғир индустрияни ривожлантиришдан ва шу асосда енгил саноатни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан, халқнинг фаровонлигини тўхтовсиз яхшилашга эришишдан иборат. Бизнинг вазифамиз — ишчилар синфи блан деҳқонларнинг қардошлик иттифоқини, мамлакатимиз халқларининг улуғ дўстлигини бутун чоралар блан мустаҳкамлашдан иборат. Бизнинг партиямиз ўзининг бутун фаолиятида шунга амал қилмоқда.

Ўртоқ Хрушчев айтадики, саноатимизда жуда катта резервлар бор, аммо бу резервлардан ҳали яхши фойдаланилаётгани йўқ. Шу кенгашда сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси бу ҳақда тўғри гапирдилар. Кенгаш қатнашчилари социалистик индустриямизни янада ривожлантириш юзасидан партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни яқдиллик блан қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз ишлабчиқаришни яхши уюштирганимизда, мавжуд ишлабчиқариш майдонларида мавжуд машиналар блан ишлаб, саноат маҳсулотини анча кўпайтираоламиз. Биз, металлдан яхши фойдаланганимизда, металл буюмлар ишлаб чиқаришни бир ярим-икки баравар ошираоламиз. Ўртоқ Хрушчев кўпгина конкрет мисоллар келтириб, бизда металлдан кўпинча мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётгандигини кўрсатади.

Саноат корхоналарини қуриш вақтида шу вақтгача темир-бетондан кам фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳол металл конструкцияларида кўп миқдорда металлнинг ўринсиз сарф қилинишига сабаб бўлади. Қурувчилардан ба'зилари пухта ва тез қуриш учун металл конструкцияларини кенг қўлланиш керак, деб исбот қилишга уринадилар. Бинонинг пишиқлиги, мустаҳкамлигига келганда, шуни айтиш керакки, боболаримиз Иван Великий қўнғироқхонасини металл конструкциялари ишлатмасдан қурганликлари ма'лум. Ана шу қўнғироқхонанинг мустаҳкамлиги ва пишиқлигига ҳозирги замон бинокорларидан кўпларининг ҳаваси келса бўлади. Қурилиш муддатларига келганда, шуни айтиш керакки, иш тўғри уюштирилган тақдирда темир-бетонни қўлланиш жуда яхши натижалар бераолади.

Ўртоқ Хрушчев ишлабчиқаришнинг бошқа соҳаларидаги каби қурилишда ҳам ишнинг иқтисодий томонига кўпроқ э'тибор бериш зарур эканлигини та'кидлайди.

Бизда қанча-қанча металл қиринди-гига чиқиб кетмоқда! Бу ҳол кўпгина хўжалик ходимларининг қолоқлиги натижасида юз бермоқда. Бундай хўжалик ходимлари ишлабчиқаришни такомиллаштириш тўғрисида, металлнинг нобуд бўлишини тамомила деярли тугатиш имконини берадиган янги технологияни жорий қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар. Ҳозирги замон техникаси ана шу чораларни амалга ошириш учун катта имкониятлар беради. Штамповка ва тоблаш ускуналарини кенг қўлланиш, детальларни пухта қуйиш методини жорий қилиш ва бошқа кўпгина техник воситалар қиринди-ни минимум даражага тушириш имконини беради.

Дарҳақиқат, ба'зан поковканинг оғирлиги 10 килограмм бўлса, ундан тайёрланган детальнинг оғирлиги эса бир килограмм келади. Демак, металлнинг 9 килограмми қиринди-га чиқиб кетади. Бунда токарлар, фрезерчиларнинг меҳнати кўп сарф қилинади, электр қуввати кўп сарф бўлади, машина-ускуналардан рационал равишда фойдаланилмайди.

Сўнгра, Ўртоқ Хрушчев прокатнинг ассортиментини кўпайтириш зарурлиги ҳақида гапиради. Агар,—деди Ўртоқ Хрушчев,— калибри, ҳажмлари, шунингдек сифати яхшироқ бўлган ассортиментли прокат ишлаб чиқарилса, у ҳолда кўп металлни тежаш мумкин.

Ишлабчиқаришни ихтисослаштириш, корхоналар ва саноат тармоқларининг ишларини бирлаштириш — саноатни янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳарбир министр ишлабчиқаришни бекик ҳолда, ўз министрлиги корхоналари доираларидагина олиб боришни истайди. Бу эса, айниқса бизнинг социалистик шароитимизда сра ҳам мақбул бир нарса эмас. Вазифа — ишлабчиқаришни ихтисослаштириш ва кенг миқ'ёсда бирлаштириш йўлидан боришдан иборат. Корхоналарнинг ишларини бирлаштириш министрликларнинг ўз доирасидагина эмас, балки министрликлараро ҳам олиб борилиши лозим. Ихтисослаштирилган корхоналарнинг вужудга келтирилиши юқори сифатли ва арзон саноат буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришни уюштириш йўлини очиб беради, бу ишда куч-тарьчиликни тезликда йўқотиш имкониятини туғдиради.

Станоксозлик саноатини, инструмент ва ускуналар ишлабчиқаришни ривожлантиришга кўпроқ э'тибор бериш лозим,—дейди Ўртоқ Хрушчев. Биз ишлабчиқариш техникасини бутун чоралар блан такомиллаштиришимиз, саноатнинг барча тармоқларини энг янги машина-ускуналар блан доим та'минлаб боришимиз керак. Станоксозлик ва инструментал саноатимиз саноатнинг бошқа тармоқларининг тараққиётидан анча ўзиб кетган тақдирдагина, биз буни бажараоламиз. Станок яроқсиз бўлиб қолганига қадар унда ишлаб туриш ва шундан кейингина уни алмаштириш ёки модернизация қилишга йўл қўйиб бўлмайди.

Биринчи даражали машина-ускуналарга эга бўлмоқ учун станоксозлик саноатимизни бутун чоралар блан ривожлантиришимиз, конструкторлик бюролари, илмий институтларнинг ишларини яхши йўлга қўйишимиз, энг яхши конструктор ва ихтиро'чиларни янги станок, янги машиналар тайёрлашга жалб этишимиз лозим. Уларнинг ижодий ишлаши учун шароит вужудга келтириш керак.

Биз бундан буён ҳам янги саноат корхоналарини қуришимиз керак, албатта. Аммо, уларни оқилона суратда қуриш, кенгайтирилиши зарур бўлган саноат тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш лозим. Лекин ишлабчиқаришни кўпайтиришда станок ускуналарни янгилаш, янги техникани жорий қилиш каби резервлардан фойдаланмасак, бу кечирилмаслик бир ҳол бўлар эди. Бу чора ҳам ишлабчиқаришни кенгайтириш демакдир, аммо, куч ва маблағларни камроқ сарф қилиб, ишлабчиқаришнинг кенгайтирилиши демакдир.

Ўртоқ Хрушчев ўз нутқида планлаштириш масалаларига катта э'тибор берди. Ўртоқ Хрушчев ишлабчиқаришни бутун мамлакат миқ'ёсидагина эмас, балки айрим иқтисодий районлар бўйича ҳам планлаштиришимиз ва бунинг учун мазкур районларнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланишимиз кераклигини та'кидлайди.

Ҳозирги вақтда қарийб ҳарбир заводнинг гарчи унча яхши бўлмаса ҳам, ўзининг қуйиш цехи бор. Яхши механикалаштирилган ва бутун-бутун саноат районларига хизмат кўрсатадиган район қуйиш заводларини иста вужудга келтириш мумкин эмас.

Шу блан бирга, турли дизельларни ишлаб чиқарадиган ва техниканинг сўнгги муваффақиятларига асосланиб ташкил қилинган, ихтисослаштирилган бирқанча заводларни ҳам вужудга келтириш лозим.

Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси аҳолининг кенг исте'мол товарларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнаши керак. Бу ишлабчиқаришни марказлаштириш ва концентрациялаш, маҳаллий саноат корхоналарини янги техника блан та'минлаш, уларда янги илғор технологияни жорий қилиш зарур. Шундай қилганда биз маҳаллий саноатдан 2—3 баравар кўпроқ, нархи арзон ва сифати яхши кенг исте'мол буюмлари оламиз. Бу эса, аҳолини халқ исте'моли учун зарур бўлган товарлар блан та'минлашни яхшилашимизга имкон беради. **(Қарсаклар).** Бунинг учун, албатта, бирмунча маблағ сарф қилишга тўғри келади. Аммо, бу маблағ тезорада қопланади.

Ўртоқ Хрушчев планлаштиришни яхшилаш соҳасидаги вазифалари характерлаб, Госплани Давлат план комиссияси ва Иқтисодий комиссия қилиб иккига бўлиш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорнинг аҳамиятини та'кидлаб ўтади. Давлат план комиссияси перспектив планлаштириш масалалари блан шуғулланиши керак ва Иқтисодий комиссия навбатдаги планлаштириш масалалари блан шуғулланиши лозим. Ана шу ҳар икки орган бир-бирини ғўлдириши керак. Биз, перспектив планлаштиришсиз яшай олмаймиз, аммо, шу блан бирга, навбатдаги планлаштиришсиз ҳам яшай олмаймиз.

Бизга халқ хўжалиги тараққиётининг бир йилга ва бир беш йилликкагина эмас, балки узоқроқ муддатга мўлжалланган планлари ҳам керак. Бирқанча тармоқлар бўйича, айниқса энергетика бўйича 10—15 йилга мўлжалланган перспектив планлар керак.

Перспектив планларни ким ишлаб чиқиши лозим? Бу ишни Госплан илмий институтларнинг ёрдами блан бажариши керак. Узоқроқ муддатларга мўлжалланган планларнинг ишлаб чиқилиши совет кишиларини коммунизм йўлидан олга қараб ҳаракат қилишнинг равшан перспективаси блан қуроллантиради, саноатнинг қайси тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларни қайси муддатларда ўзиб кетишимиз кераклигини кўрсатади.

Госплан блан бир қаторда Иқтисодий комиссиянинг бизга нима кераги бор, деб сўрашлари мумкин. Иқтисодий комиссия бизга халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планларини бажариш мақсадида барча моддий, техника резервлари ва меҳнат резерв-ларидан ўринли фойдаланиш учун керак. Галдаги планлаштиришни амалга оширишда ҳам гоят эпчиллик блан ҳаракат қилиш ва ишга ижодий қараш керак. Бу нарса шунинг учун зарурки, энг идеал тарзда ишлаб чиқилган план ҳам бажарилиш процессида план топшириқларини тўла ва ошириб бажарадиган меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси ва активлиги ўсаборган сари ўзгартирилаборади.

Ўртоқ Хрушчев планларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун, ялғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш учун министрликлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш зарур эканлигини та'кидлайди.

Министр яхши инженер-инспекторларга эга бўлсин ва буларнинг ёрдами блан заводларда ишнинг қандай ташкил этилганлигини. технологияни чуқур ўрганиб олсин, станок ускуналарни ўрганаолсин, айрим тармоқлардаги илғор меҳнат усулларини ўрганиб, уларни умумлаштираолсин ва бир заводдан иккинчи заводга кўчираолсин. Министрлар ишни шундай уюштиришлари керакки, янгилик, илғорликнинг ҳаммаси жуда кенг ёйилсин ва ҳамманинг мулки бўлиб қолсин. **(Қарсаклар).**

Техникани тараққий этдириш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун курашда саноат олдида турган вазифалар муносабати блан Ўртоқ Хрушчев Давлат контроль министрлиги ва янги тузилган Давлат техника комитетининг алоҳида роль ўйнашини ўқтириб ўтади. Давлат контролини,—дейди Н. С. Хрушчев,—кўпроқ ишлабчиқариш изига кўчириш, ундан шу йўлда тўла фойдаланиш лозим.

Ўртоқ Хрушчев ўз нутқида меҳнат унумдорлигини ошириш, нормалаштириш, ишқаки, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтади.

Нутқда министрликлар, муассасалар ва корхоналарнинг идора аппаратида бюрократик ортиқчаликлар қаттиқ танқид қилинади.

Н. С. Хрушчев саноат соҳасидаги вазифаларни та'рифлаб бўлганидан кейин, саноатни ўстириш ва такомиллаштириш, давлат планларини бажариш учун саноат корхоналаридаги партия ташкилотларининг юксак жавобгарлиги тўғрисида гапиради. Агар саноат соҳасида ишлаётган кўпсонли кадрларимизнинг ҳаммаси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларимиз ишга чинакам киришиб, омманинг ижодий активлигига бошчилик қилсалар, социалистик индустрия янада тез сур'атлар блан ривожланади, янгидан-янги муваффақиятларга эришади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев халқаро аҳволга доир ба'зи масалаларга тўхталиб ўтди. У, мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисида яқинда Венада имзоланган Давлат шартномасининг гоят катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади.

Совет Иттифоқининг ташаббуси блан Австрия масаласи ҳал этилди. Австрия масаласининг ҳал этилганлиги халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш ишига, тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Буржуа пропагандаси қасддан ҳаракат қилиб, Совет Иттифоқи бутун Европани босиб олишни хоҳлайди, деб зўр бериб да'во қилиб келмоқда. Биз, Австрия шартномасини тузиш вақтида барча қўшинларни, шу жумладан совет қўшинларини ҳам Австрия территориясидан олиб чиқиб кетишни таклиф этдик. Совет Иттифоқи Европани босиб олиш ва умуман уруш олиб бориш ниятида эмаслигини исбот қилиш учун бундан ҳам қучлироқ далил керакми ахир. Ҳужум қилиш ниятида бўлган давлат ўз қўшинларини олиб чиқиб кетадими? Биз, Европада ҳам, бутун дун'ёда ҳам гинчликнинг энг ишчил ва энг қат'ий химоячилари бўлиб келдик ва шундай бўлиб қоламиз.

Қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет Ҳукуматининг яқинда э'лон қилинган таклифлари тинчлик ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Агрессив доиралар янги уруш тайёрлашдан иборат ғиёсатни ўтказиб, ҳарбий блоклар уюштирмоқдалар, зўр бериб қуроллантирмоқдалар, атом уруши бошламоқчи бўлиб, халқларга таҳдид қилмоқдалар, герман милитаризмини қайтадан тикламоқдалар ва халқларнинг тинч ҳаётига қарши қаратилган бошқа бирқанча чоралар кўрмоқдалар. Совет Иттифоқининг таклифлари империалист кучларнинг ният ва планларига янги зарба бўлиб тушади. Бу таклифларнинг айниқса муҳим аҳамияти шундаки, улар қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини ва бошқа ялпи қирғин қуролларини тақиқлаш ишини амалий суратда илгари силжитиш ва янги уруш хавфини йўқотиш учун реал асос вужудга келтиради. Халқлар янги уруш хавфининг йўқотилишини астойдил истайдилар.

Бу фактларнинг ҳаммаси халқаро муносабатлар соҳасидаги ғиёсатимиз улуғ Ленин томонидан бизга васият қилиб қолдирилган мустаҳкам принципларга асосланади.

Турли социал системаларнинг бир вақт гинчликда яшаши мумкинлиги ва зарурлигини э'тироф этиш — совет халқи ғиёсатининг туб принципидир. Ана шу принципга амал қилган тақдирдагина, барча мамлакатлар ўртасида нормал муносабатлар ва амалий ҳамкорлик ўрнатиш мумкин.

«Зўровонлик қилиш» ғиёсатига амал қилаётган кишилар буни тушунишни сра хоҳламаётирлар. Бундай кишилар оддий бир нарсани, я'ни Совет давлати ташкил топган дастлабки йилларда, биз ҳали кучсиз бўлган давр-даёқ В. И. Ленин империалистларнинг таҳдидларидан қўрқмаслик ва уларга қат'ий зарба бериш зарурлиги ҳақида совет халқига та'лим берганлигини унутиб қўймоқдалар. Ленин совет халқининг 14 давлат интервенциясига қарши олиб борган курашига етакчилик қилди ва бизнинг халқимиз бу курашда ғалаба қозонди. Совет Иттифоқи қудратли индустриал давлат бўлиб қолган ҳозирги пайтда «зўровонлик қилиш» ғиёсати тамомила ҳалокатга маҳкум эканлиги равшан эмасми.

Сўнгра, Н. С. Хрушчев айтдики, СССР ва Югославия республикаси Ҳукумат делегацияларининг яқинда Белградда учрашишлари халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эгадир. Совет халқининг делегацияси Белградга очиқ кўнгил ва самимий қалб блан боради. СССР блан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасида муносабатларни даставвал, давлат йўли блан тамомила нормал йўлга қўйиш учун зарур бўлган шароитларнинг ҳаммаси бизда бор.

Биз, давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш учун тенг ҳуқуқлик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципини ўтказиш зарур,деган фикрда қат'ий турамиз. Биз, ана шу асосда Югославия блан мустаҳкам ва дўстона муносабатлар ўрнатаоламизми? Албатта, ўрнатаоламиз.

Сўнгра. Биз, Югославия блан савдо муносабатларини ва иқтисодий муносабатларни ҳар икки томон учун фойдали бўлган шарт-шароитларда ривожлантираоламизми? Шубҳасиз, ривожлантираоламиз. Бу ҳар икки мамлакатга фойдалими? Шубҳасиз, фойдалидир.

Югославия ва Совет Иттифоқи халқларининг асрлар бўйи давом этган дўстлик традициялари бор. Бу халқлар умумий душманларга қарши кўп марта биргаликда жанг қилдилар, бу халқларнинг порлоқ истиқбол учун, бахтли ҳаёт учун курашдан иборат умумий мақсадлари бор, бу халқларнинг ҳартомонлама, кенг ҳамкорлик қилишлари учун мустаҳкам база бор, биз бунга аминмиз. Бундай ҳамкорликнинг бўлиши, дейди Н. С. Хрушчев, совет ва югослав халқлари учунгина эмас, балки бутун дун'ёда тинчлик иши учун ҳам муҳимдир.

Ўртоқлар! Улуғ Ленин ташкил этган Совет социалистик давлат мустаҳкамланмоқда ва юксалмоқда. Бизнинг муваффақиятларимиз ортиб, кўпайиб бормоқда. Агар биз саноатга, қишлоқ хўжалигита, давлат қурилишига, ташқи сиёсатга раҳбарлик қилиш соҳасида олдимизда турган барча вазифаларни ҳал этишга оқилона равишда большевикларча, ленинча қарар эканмиз, бу ютуқларимиз янада кўпаяди.

Совет кишилари Коммунистик партиянинг, унинг Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида, Ҳукуматимизнинг раҳбарлиги остида коммунизм қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат блан курашадилар. **(Давомли қарсаклар, ҳамма ўрнидан туради).**

* * *

Раислик қилучи — СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ **Н. А. Булганин** кенгашда 49 киши сўзга чиққанлигини айтади. Музокараларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Сўнгра кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи саноатидаги ҳамма ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга қарата бир овоздан мурожаат қабул қиладилар.

Шу блан саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ёпиқ деб э'лон қилинди. (ТАСС).

МАКТАБ ҲАЁТИ

Имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда

Янгийўл шаҳридаги Навоий номли 4-нчи ўрта мактаб областимиздаги илғор мактаблардан бири ҳисобланади. Бу мактабда шаҳар меҳнаткашларининг мингга яқин болалари ўқимоқда.

Мактаб 38 кишидан иборат катта педагогик коллективга эга. Ўқитучиларнинг кўпчилигини олий ма'лумотли, бой педагогик тажрибага эга бўлган кишилар ташкил қилади. Улар ёш ўқитучилар блан биргаликда мактабда ўқув-тарбия ишлари савиясини юқори даражага кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Мактаб бошланғич партия ташкилоти ўқитучиларнинг ғоявий-сиёсий савиясини тобора оширишга алоҳида э'тибор бермоқда. Кўпчилик ўқитучилар мустақил суратда КПСС тарихини ўрганмоқдалар.Ашурова, Қурбонбоев, Мардонбоев ва Абдусаматов каби бирқанча ўқитучилар кечки марксизм-ленинизм университетида ўқимоқдалар. Коммунист ўқитучилар мактабда ўқув-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиб, ўзлаштириш даражасини оширишда яхши натижаларга эришмоқдалар ва бошқа ўқитучиларга намуна бўлаётирлар.

Мактаб ўқучилари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар тобора кучайтирилмоқда, илмий, сиёсий ва аҳлоқий темаларда лекция ва докладлар, ма'лум темаларга бағишланган илмий-адабий конференциялар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Масалан, ўқув йилининг IV чораги давомида В. И. Ленин туғилган куннинг 85 йиллигига, В. В. Маяковский вафотининг 25 йиллигига, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳамда отоқли ўзбек совет ёзучиси Ойбекнинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятига 30 йил тўлиши муносабати блан илмий-адабий конференциялар ўтказилди. Ойбекнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечада 10-нчи синф ўқучиларидан Қ. Мирзажонова Ойбек поэзияси ҳақида, Л. Отабекова ёзучининг «Навоий», С. Азимов «Қутлуг қон» ва М. Шоюнусова «Олтин водидан шабодалар» романлари ҳақида қизиқарли доклад қилдилар. Ўқучилардан М. Худоёров, З. Аҳмедова, Ҳ. Саидова, Э. Қосимова ва бошқалар Ойбекнинг асарларидан парчалар айтиб бердилар.

Шу кунларда мактаб (директори ўртоқ К. Нуриддинов) коллективи бўлажак имтиҳонларга пухта тайёрлик кўраётир. Партия йиғилиши ва педагогика советида Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг «Мактабларда ўқув машғулотларини тамомлаш ва баҳорги имтиҳонларни ўтказиш ҳақида»ги инструкцияси кенг муҳокама қилинди. Бунда мактаб педагогик коллективи, партия, комсомол, пионер ташкилотлари ҳамда ўқучилар комитетининг имтиҳонларга тайёргарлик ва унинг ўтказиш давридаги вазифалари белгилаб чиқилди.

Имтиҳонларга тайёрлик кўриш даврида ўқитучиларнинг асосий э'тибори ўтилган темаларни системали равишда пухта такрорлашга қаратилмоқда. Бу соҳада ўқитучиларга амалий ёрдам берилаётир. Метод бирлашмаларида тажрибали ўқитучиларнинг ўтилган материалларни такрорлаш соҳасидаги тажрибалари ўрганилди. Ҳозир қўшимча машғулотлар, консультациялар ўтказилмоқда ва ўзлаштирмовчи ўқучилар блан алоҳида иш олиб борилмоқда. Ўқитучилардан С. Ашурова, Э. Исмоилова, Ё. Абдураҳмонова, А. Шерметов, А. Қурбонбоев, З. Ўразова, О. Муҳаммадиев ўртоқлар ҳар куни қўшимча машғулотлар ўтказиб, ўқучиларнинг ўтилган материални пухта ўзлаштиришларига эришмоқдалар.

Ўқув процессита политехника та'лимини жорий қилиш ва ўқучиларни келажак практик ишларга тайёрлаш мақсадида вақт-вақти блан саноат корхоналари, МТС ва колхозларга экскурсиялар уюштирилмоқда, ўқучиларнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги идроалари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари блан учрашувлари ўтказилмоқда. Яқинда мактаб ўқучиларининг Янгийўл районидаги биринчи МТСга, Сталин номли колхознинг чорвачилик фермасига, 3-нчи гидроэлектростанцияга, пахта тозалаш, ёғ ва консерва заводларига экскурсиялари ўтказилди.

Мактаб дирекциясининг ўқитучиларнинг дарс бериши ва тарбиявий ишларни олиб борши устидан контрольлиги янада кучайтирилди. Ўқитучиларнинг дарсларни юқори савияда, кўргазмали асосда ўтказилишига алоҳида э'тибор берилмоқда. Мактабнинг ўқув-тажриба асбоблари блан мукаммал жиҳозланган физика, химия, биология кабинетларида практик машғулотлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Ҳозирдан бошлаб физика ва химия фанлари бўйича имтиҳонлар даврида фойдаланиладиган лаборатория асбоблари ва реактивлар тайёрланмоқда. Бу фанларнинг ўқитучилари З. Ўразова, О. Муҳаммадиев ва А. Шерметов ўртоқлар такрорлаш дарсларида тажрибалар ўтказишга катта э'тибор бермоқдалар.

Мактаб кино-лекторийси мунтазам ишлаб турипти. Унда ўқучиларга илмий-оммабоп фильмлар, мультипликацион фильмлар кўрсатилмоқда. Мактабда имтиҳонларга қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги вақтда ўқучиларнинг мустақил дарс тайёрлашлари учун анча қулай шароит яратиб берилган, алоҳида хоналар ажратилиб, улар кўргазмали ўқув қуроллари блан та'минланган. Ўқучиларнинг имтиҳонларга тайёрланишларига амалий ёрдам бериш учун ўқитучиларнинг кундалик навбатчилиги уюштирилган.

Имтиҳонларнинг муваффақиятли ўтишини та'минлашда мактаб блан оила ўртасидаги яқин ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Яқинда мактаб бошланғич партия ташкилоти, мактаб дирекцияси ва ота-оналар комитети блан биргаликда ота-оналарнинг умум мактаб йиғилиши ўтказилди, унда «Ўқучиларни имтиҳонларга тайёрлашда ота-оналарнинг вазифалари» деган масала кенг муҳокама қилинди. Бундай йиғилишлар ота-оналарнинг тўлиқ иштирокида алоҳида синфлар бўйича ҳам ўтказилди.

Мактаб комсомол ва пионер ташкилотлари имтиҳонларга тайёрлик даврида ўз фаолиятларини янада жонлантириб юборишдилар. Улар айрим фанлардан улгураолмовчи ўқучиларга амалий ёрдам бермоқдалар, актив ўқучиларни заиф ўзлаштираётган ўқучиларга биркитиб қўймоқдалар.

Шу кунларда мактаб коллективи барча имкониятларни ишга солиб, имтиҳонларни пухта ва юксак савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Ф. АРАЛОВ.

Синф раҳбари

Улғурмовчи ўқучиларнинг яхши ўзлаштируччилар қаторига ўтиб олишларида мактаб комсомол ва пионер ташкилоти, ўқитучилар коллективи, ота-оналар комитетининг ёрдами зарур бўлгани каби, синф раҳбари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Синф раҳбари ўқучиларнинг ота-онаси блан яқиндан алоқада бўлиши, ҳарбир ўқучининг характерини чуқур ўрганиши, унинг мактаб ва ундан ташқаридаги жойларда ўзини қандай тутабилиши устидан системали назорат қилиб туриши керак.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 24-нчи ўрта мактабнинг бой педагогик тажрибага эга бўлган ўқитучиси ўртоқ Қутби Ғаниева синф раҳбарининг юқорида айтиб ўтилган вазифаларини яхши билади ва ўз фаолиятида шунга қат'ий амал қилади. Моҳир педагог Қ. Ғаниева ўзи раҳбарлик қилаётган 7 «б» синфда ўқув-тарбия ишларини яхши йўлга қўйган, айниқса, улғурмовчи ўқучиларга ёрдам бериш намунали ташкил қилинган. Ўртоқ Ғаниева бирор ўқучиниги ма'лум бир фандан ўзлаштирмаётганини сезиб қолса, дарҳол бунинг сабабларини ўрганади, ўқучининг уй шароити блан танишади, ота-оналари блан суҳбатлашиб, болага дарс тайёрлаш учун уйда қулай иш шароити яратиб бериш кераклиги тўғрисида уларга фойдали маслаҳатлар беради; ҳарбир улғурмовчи ўқучининг ўзлаштириш қобилиятидаги камчилик ва заиф томонларини ўрганиб, унга индивидуал ёрдам уюштиради.

1954—55 ўқув йилининг бошида 7 «б» синфда М. Ҳошимова, С. Исмоилов, Махситхонов каби ўқучиларнинг айрим фанлардан ўзлаштираолмаётганликлари ма'лум бўлди. Қ. Ғаниева бу ўқучиларнинг уйига бирнеча марта бориб, ота-оналари блан суҳбатлашди. Уларга ёрдам бериш учун М. Валиев, С .Султонов, Ш. Юнусова каби а'лочи ўқучиларни бириктириб қўйди. Бундан ташқари айрим фан ўқитучилари ҳафтада икки мартадан индивидуал консультация ўтказиб турдилар. Натижада М. Ҳошимова СССР Конституцияси, табиёт, география, С. Исмоилов чет тили фанидан олган ёмон баҳоларини йўқотиб, III чоракни ҳамма фанлар бўйича а'ло ва яхши баҳолар блан якунладилар.

Синф раҳбари Қ. Ғаниевага ўқучиларни турли фан тўгаракларига актив қатнаштириш, коллектив бўлиб музей ва кинотеатрларга маданий юришларини уюштириш масалаларига ҳам алоҳида э'тибор берди. Чунки, бундай тадбирлар ўқучиларнинг фикр доирасини кенгайтириш, дарсда олган назарий билимини амалий иш блан боғлаш имконини беради. 7 «б» синф ўқучиларидан 18 бола мактабдаги география, 10 бола физика тўгарагига ва 5 бола физкультура ва спорт секцияларига қатнашмоқда.

Синф раҳбари Қ. Ғаниевага ташаббус кўрсатиб ишлаши ва ўз вазифасига мас'улият блан қараши туфайли 7 «б» синфда ўқув-тарбия ишларининг сифати борган сари яхшиланмоқда. Синфда ўтган III чоракда юқори кўрсаткичларга эришилди — ўзлаштириш 94 процент бўлди.

Ҳозир 7 «б» синф ўқучилари ишчан педагог Қ. Ғаниева раҳбарлигида бўлажак имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар, ўқув йилини юқори кўрсаткичлар блан якунлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

А. КАМОЛОВ.

ССР Иттифоқи Большой театрида концерт

18 майда ССР Иттифоқи Большой театрида саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари учун сан'ат усталарининг концерти бўлди.

Концерт Дунаевскийнинг «Ватан ҳақида қўшиқ» деган ашуласи блан бошланади. Бу ашуланы СССР Большой театри артистлари хори, рус ашулалари хори ва ССР Иттифоқи Большой театри оркестри ижро этди. Солист — СССР халқ артисти А. Иванов. Сўнгра терма хор Туликовнинг «Биз ҳаммамиз тинчлик тарафдоримиз» деган ашуласини ижро этди, оркестр жўр қилди.

Пианиночиларнинг Шопен номидаги Халқаро конкурси лауреати Е. Малинин ўз маҳоратини кўрсатди.

ССР Иттифоқи Большой театрининг солисти Л. Авдеева Бизенинг «Кармен» операсидан «Хабанерани» ва «Над полями, да над чистими» деган рус халқ ашуласини баланд руҳ блан ижро этди.

РСФСР халқ артисти Н. Петров катта муваффақият қозонди. У Римский-Корсаковнинг «Садко» операсидан «Варяг меҳмонининг қўшиғи»ни ва Серовнинг «Душман кучи» операсидан «Еремка қўшиғи»ни ижро этди.

Концертда балет сан'ати айниқса ранг-баранг эди. Чайковскийнинг «Оққуш қўли» балетидан «Оқ қушлар рақси» ва «Ўйқудаги гўзал» балетидан «Вальс» кўрсатилди. Буларни СССР Большой театри балет артистлари ва хореография билим юртининг ўқучилари ижро этдилар.

СССР халқ артисти Г. Уланова ва РСФСРда ҳамда Украина ССРда Хизмат кўрсатган артист В. Преображенский Шопеннинг «Вальс»ини зўр маҳорат блан ижро этдилар.

Концертда Арманистон ССР халқ артисти Г. Гаспарян, СССР халқ артисти И. Ильинский, Москва Ҳарбий Округининг ашула ва рақс ансамбли, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Маслинникова, СССР халқ артисти С. Лемешев, РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Любезнов, Москва Давлат цирки артистларидан Ван Зе-вей раҳбарлигидаги бир группаси қатнашдилар.

Концерт Пятницкий номидаги рус халқ хорининг чиқиши блан тугалланди. Хор «Вдоль да по речке» деган рус халқ қўшиғини ва композитор Захаровнинг «Наша сила в деле правом» деган қўшиғини ижро этди, хорнинг рақс группаси «Колхоз тўйида» деган ажойиб рақсни ижро этди.

Концертда партия ва ҳукумат раҳбарлари Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. И. Кириченко, КПСС МК секретарьлари П. Н. Поспелов ва М. А. Суслов ўртоқлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Заёмга яқдиллик блан ёзилмоқдалар

ЧИНОЗ. Чиноз қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золари СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигимизни ривожлантириш (1955 йилги) давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарорини баланд руҳ блан кутиб олдилар. Заёмга ёзилишга бағишланган тантанали йиғилишни колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Расул Муродов очди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Ҳукуматимиз бош бўлган социалистик давлатимиз, — деди Расул Муродов ўз сўзида, — кундан-кунга гуллаб-яшнамоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг доно раҳбарлиги ва чексиз ғамхўрлиги туфайли янги-янги саноат корхоналари ишга туширилмоқда, асрлар давомида гиёҳ ўсмаган қўриқ ва бўз ерлар кишиларимизнинг фидокорона меҳнати блан ўзлаштирилиб, обод ҳамда кўркам бўлаётир. Давлат заёмига яқдиллик блан ёзилишимиз — жонажон партиямиз ва ҳукуматимизга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқатимизнинг ёрқин ифодасидир.

Шундан сўнг биринчи бўлиб сўзга чиққан 4-нчи бригаданинг бошлиғи ўртоқ Наби Жалилов ўз сўзида давлат заёмининг чиқарилиши тўғрисидаги қарордан гоят қувонганлигини ҳамда бу йил 68 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 45 центнердан пахта ҳосили етказиб беришини айтди.

Сўзга чиққан колхоз а'золаридан Т. Ражабоев, О. Алибоев, М. Эргашев, донгдор механизатор Э

Ғўза парваришини тез ва юқори сифатли ўтказиш учун барча кучларни сафарбар этайлик!

☆ ☆ ☆

Илғорлар эришган муваффақиятлар

Сирдар'ё районидаги Каганович номли колхоз а'золари бу йил 560 гектар ерга чигитни янги усулда экдилар. Ҳозир ҳамма ерда чигит текис униб чиққан, ғўза парвариши қизғин давом этаётир.

Колхознинг Тўрақулов бошлиқ бригадасида 80 гектар ердаги ғўзалар биринчи парваришдан чиқарилди. Холматов бошлиқ звенода 45Х45 схемасида ўстирилаётган 12 гектар ғўза қатор оралари узунасига ва кўндалангига ишланиб, яганаси ҳам тугалланди. Бу звено а'золари ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, колхознинг Назаров, Раҳматов бошлиқ звеноларини мусобақага чақирдилар.

Раҳматов бошлиқ звенонинг 16 гектар ерида 60Х60 схемаси блан устирилаётган ғўзалар ҳам трактор блан узунаси ва кўндалангига культивация қилинди. Шунингдек колхознинг Маматқулов, Бекмуродов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши намунали ўтказилмоқда. Колхознинг Мамадалиев, Пардаев, Абдишукуровлар бошлиқ илғор звеноларининг чигит оддий усулда экилган ерларидаги ғўзалари трактор блан ягана қилинди.

Ғўза парваришида колхознинг Рўзиқўлова, Оллоёрова, Абдишукурова сингари ўнлаб илғор а'золари олдинги қаторда бораётирлар. Улар кунлик нормаларини сифатли қилиб 2—2,5 баробар адо этмоқдалар.

Каганович номли колхозда хизмат қилаётган универсалчилардан А. Алибоев, Х. Норқулов, Н. Жумабековлар ғўза яганасига ва культивациясига пухта тайёрланганликлари учун ғўзани узунаси ва кўндалангига ишлаш кунлик нормаларини 3—4 гектардан ошириб бажармоқдалар. Улар ўз культиваторларини 60Х60, 60Х45 ва 45Х45 схемасида ўстирилаётган ғўза қатор ораларини ишлашга жуда яхши мослаштириб олганлар.

Колхозда оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Мавжуд 6 дала шийпони жиҳозланиб, уларнинг 4 тасига радио приёмник ўрнатилди. 18 агитатор колхозчилар ўртасида системали иш олиб бораётир. Бу йил колхоз кутубхонасига яна 8 минг сўмлик китоб сотиб олинди. Кутубхона мудири Боҳодирова дала шийпонларига бориб ҳар 3 кунда китобларни алмаштириб турибди. Колхозда «Коммунизм йўли» деворий газетаси мунтазам чиқиб турибди. Бундан ташқари бригадаларда ҳар 3 кунда «Жанговар варақа» чиқарилаётир.

Далада иссиқ овқат ташкил этилган, ясли ва болалар боқчаси жиҳозланиб, керакли аш'ёлар блан та'мин этилган.

Ж. ХАКИМОВ.

Ғўза парвариши уюшқоқлик блан ўтказилмоқда

Бекобод районидаги Маленков номли колхоз а'золари бу йил 715 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир улар барча участкаларда чигитни текис ундириб олиб, ғўза парваришини намунали ўтказмоқдалар.

Ўртоқ Ортиқбой Нурбеков бошлиқ бригада а'золари мавжуд ишчи кучларидан ва механизациядан тўла ҳамда унумли фойдаланган ҳолда 25 гектар ердаги ғўзани дастлабки парваришдан сифатли қилиб чиқардилар. Бригада а'золари бу дастлабки муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ғўзанинг иккинчи парваришига катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Колхозда ғўзанинг биринчи парваришини қисқа вақт ичида сифатли қилиб ўтказиш учун бригада ва звеноларда ўртасида социалистик мусобақа кенг қизитиб юборилди.

Шунингдек, колхозда хизмат қилаётган илғор механизаторлар ҳам ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, кундалик графикни ортиғи блан бажармоқдалар. Механизаторлардан С. Отақулов, Ш. Эржигитов ўртоқлар ўз нормаларини 1,5—2 ҳисса бажариб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовар бўлмоқдалар.

Х. ОТАҚУЛОВ.

Ғўза парвариши кучайтирилди

Ўртасарой район, Қум қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари чигит экишни илғорлар қаторида барвақт тамомлаган эдилар. Ҳозир барча майдонларда ғўза биртекис ривожланмоқда. Колхоз а'золари ғўзаларни дастлабки парваришига киришиб, қатор ораларини 60х45 сантиметр схемасига мослаш учун «универсал»лар блан ягана қилмоқдалар. Колхозда хизмат қилаётган М. Рўзиматов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари ғўза парваришини механизация ёрдами блан сифатли қилиб ўтказмоқдалар. Механизаторлардан М. Рустамов 60х45 сантиметр схемасига мосланган НКУ маркали культиватор блан кунига 8,5 ўрнига 11—12 гектар ердаги ғўзани ягана қилмоқда. У, 5 кун ичида 33,5 гектар ердаги ғўзани яганадан чиқарди.

Ғўза парваришида А. Каримова, Ҳ. Исмоилова, И. Маҳкамова, Қ. Умурзақова каби илғор колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Механизаторлар ҳиссаси

Чиноз районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган универсалчилар ғўза парваришида юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Колхозда хизмат қилаётган Эргаш Раймқулов бошлиқ 8-нчи трактор бригадасининг а'золари ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб, ғўзаларни яганалашда кўндалик белгиланган графикни ошириб бажарадилар.

Илғор универсалчилардан З. Очилов, Б. Султонов, Н. Умаров, Р. Қамбаров ўртоқлар ўз агрегатлари блан 8 гектар ўрнига ҳар куни 12—13 гектардан ғўзани ягана қилмоқдалар. Бригада бошлиғи ўртоқ Э. Раймқулов бригада а'золари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлагани, агрегатлардан тўғри ва унумли фойдаланишни та'минлагани сабабли ана шундай муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Универсалчилар ўзларига бириктирилган ерлардаги ғўзаларни тез кун ичида яганалаш ва биринчи культивациядан чиқариш учун ғанимат кунлардан унумли фойдаланаётирлар.

Қ. ОБИЛОВ.

☆ ☆ ☆

Яганалашда ишлатиладиган янги маркер

НКУ—2,8 культиваторига қўшиб юборилади ган детальлар комплектига, қаторлаб ўстирилаётган ғўзаларни, тракторни даланинг кўндалангига юритиб, ягана қилишда фойдаланиш учун указательлар (кўрсаткичлар) қўшиб юборилади. Указательлар культиватор квадрат валининг икки учига ўрнатилади. Универсалчи кўндаланг қаторларнинг тўғри бўлиб тушишини та'мин этиш учун ана шу указательларга қараб тракторни бошқаради.

Культиватор ишлатилаётган пайтда указательлардан бирининг ремешкаси ишланаётган йўлнинг четида — ташқи пичоқлардан бири юмшатган йўл устида юриши керак. Броқ бу указательлар фойдаланиш учун унча қулай эмас, чунки кўпинча ремешка қимирлаб оғиб туради, шунингдек ишланган кенглик чети ҳамда тупроқдаги нотекислик указательнинг тўғри юришига анча халақит беради. Тракторчи тракторнинг тўғри юришини та'миналаш учун доим олдинга қараб бориш блан бирга, указательларнинг тўғри юришини кузатиш учун икки ёнга ҳам қараб бориши шарт. Бу ҳолда тракторчининг кўзи чалғийди, агрегатни тўғри юргизишда қийналади. Натижада яганалашдан кейин кўндаланг қаторлар тўғри бўлиб чиқмайди.

Пискент районидаги 1-нчи МТСнинг механизаторлари культиватор указателини пружинали маркер блан алмаштирдилар. Бу маркер ўз йўлида ариқча очиб кетади. Трактор даланинг бошига етиб иккинчи йўлга қайрилганида, унинг олдинги ғилдираги маркер очиб кетган ариқчада юради. Ариқча гўё трактор учун бир из бўлади, тракторчи тракторнинг олдинги ғилдирагини фақат ана шу издан юритса бас.

Маркер йўғонлиги 12х12 миллиметрли пўлатдан ясалиб унинг учи найза қилинади. Маркер, культиватор олдинги секциясиқ квадрат валиги уланган узайтиргичларга ўрнатилади. Узайтиргичнинг узунлиги 1,35 метр бўлиб, у йўғонлиги 35х35 миллиметрли пўлатдан ясалади ҳамда квадрат вал учига эритиб уланади ва болт блан маҳкамланади. Квадрат валнинг қоқ ўртасидан, я'ни трактор радиатори марказидан ўлчаб 2,7 метр масофага маркер ўрнатилади.

Культиватор иш органлари пастга тушириб, тупроқ орасига киритилганда, маркер учи ҳам пастга тушиб тупроқ орасига киради. Культиватор юритилганида маркер ҳам юриб ўзи чизган йўлни ариқча қилиб кетади. Тракторчи иккинчи ва ҳоказо юришларда тракторнинг олдинги ғилдирагини худди ана шу ариққа тушириб юритиб кетаберади. Аммо трактор далага кириб биринчи қатордан юришда маркердан фойдаланилмайди. Одатда биринчи йўл нишон таёқлар блан режаланиб олинади. Режанинг тўғрилиги контроль чизиқлар тушириш йўли блан текширилади.

Маркерни ҳарбир МТС ишхонасида ясаш мумкин.

К. КОНОВАЛОВ,
инженер.



1. Узайтиргич.
2. Маркер.
3. Олдинги секциянинг квадрат вали.
4. Узайтиргич.
5. Маркер.

☆ ☆ ☆

Механизация кучидан унумли фойдаланаолмаётирлар

Ғўзани яганалаш, қатор ораларини ишлаш ва культивация қилиш қизғин авж олган ҳозирги кунларда МТСлар зиммасига катта ва мас'улиятли вазифа юклатилган. Лекин Мирзачўл районидаги ҳар иккала МТС раҳбарлари ҳам бу вазифани бажаришда қатор камчиликларга йўл қўймоқдалар. Улар колхозларда хизмат қилаётган трактор бригадаларининг иши устидан контрольлик ўрнатмаганлар. МТС раҳбарлари кабинетда айланишиб қолганликлари учун айрим трактор бригадалари ўзбошимчалик блан иш кўрмоқдалар.

Райондаги 2-нчи МТС директори ўртоқ Н. Ткачев блан бу ҳақда суҳбатлашсангиз, у дарҳол камчиликларни хаспўшлаб ўтиш мақсадида айрим трактор бригадалари эришган «муваффақиятлар» тўғрисида достон қилиб беради.

—Ленин номли колхозда хизмат қилаётган И. Лопин бошлиқ 4 трактор бригадаси, — дейди у, — ишга тушгандан бери 290 гектар ерни культивация қилди, 121 гектар ердаги ғўзани яганалади. Василевский номли колхозда хизмат қилаётган А. Ҳасанов бошлиқ 1-нчи трактор бригадаси ҳам ундан қолишмайди...

Директорнинг сўзларига қараганда, бу бригадалардаги универсалчилар «жуда катта иш» қилиб қўйганлар. Ҳақиқатда эса ҳар иккала бригаданинг универсалчилари ҳам белгиланган кундалик графикни бажармаяптилар. Шунингдек Охунбобоев номли колхозда хизмат қилаётган А. Ҳакимов бошлиқ 10-нчи трактор бригадаси а'золари ҳам ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар. Бу бригада белгиланган график бўйича ҳар куни 63 гектар ердаги ғўзани культивация қилиши керак эди. Лекин бригада механизация кучидан тўғри ва унумли фойдаланаолмаётганлиги сабабли культивация қилинаётган ер 20—25 гектардан ошмаётир. Маленков номли колхозда хизмат қилаётган С. Машуткин бошлиқ 9-нчи, Каганович номли колхозда хизмат қилаётган К. Сафаров бошлиқ 11-нчи бригада механизаторларининг ишлари ҳам талабга мутлақо жавоб беролмайди. Бу бригадаларда ҳарбир универсалчининг культивация қилаётган ери кунига зўрга 6—7 гектарга тўғри келади. Ваҳоланки, график бўйича уларнинг ҳарбири бир кунда 12 гектардан ғўзани культивация қилиши керак эди. С. Машуткин ихтиёридаги 3 «универсал» блан 2 кун ичида фақат 13 гектар ер культивация қилинганки, бу чидаб бўлмайдиган бир ҳолдир.

МТС директори Н. Ткачев, партия ташкилотининг секретари И. Собиров, бош инженер Ғ. Назаров ўртоқлар ҳозирги мас'улиятли кунларда бу нуқсонларнинг йўқотиш, унумсиз ишлаётган трактор бригадаларининг аҳволи блан чуқур танишиш ва уларга нисбатан тегишли чора кўриш ёки ёрдам бериш ўрнига, расмиятчилик блан иш кўрмоқдалар. Улар асосан сводка ва қоғозларгагина қараб иш кўраётирлар.

Сиз, агар қолоқ трактор бригадалари ҳақида суриштириб қолсангиз, МТС партия ташкилотининг секретари И. Собиров даҳол уларни бўшмағур важлар блан оқлашга ҳаракат қилади.

— Бу бригадалар яқиндагина ишга тушди, — дейди у. — Ахир 5—10 кун ўтгач ўз ишларини тўғрилаб оладилар.

Бу бригада универсалчилари эс-хушларини йиғиштириб олиб, дурустроқ иш бошлагунларича культивация қилиниши лозим бўлган ғўзалар кутиб турармикин?! Шунинг ўзидан кўриниб турипти ки, МТС партия ташкилоти ишни жуда ёмон контроль қилмоқда.

Трактор бригадалари ўртасида социалистик мусобақани ташкил қилиш, агитация ва пропаганда ишларини кучайтириш, илғорлар тажрибасини ёйиш э'тибордан мутлақо четда қолган. Илғор механизаторларни рағбатлантириш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, орқада судралаётган трактор бригадаларини илгарилатиш, уларга тўғри йўл кўрсатиб бериш Собировнинг эсига ҳам келмайди. У: «Ишга тушганимга фақат бирярим ой бўлди, ҳақиқий аҳвол блан ҳали унчалик таниш эмасман», дейди. Ноҳотки бир жойда бирярим ойдан бери ишлаётган киши янги бўлса!

МТС бўйича август ойигача 75 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилиши керак. Лекин МТС раҳбарлари ҳозиргача бу муҳим вазифа ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Бирорта ҳам пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилмаган.

Райондаги 1-нчи МТСда (директори С. Акрамов, партия ташкилотининг секретари Ш. Холиқов) олиб борилаётган ишлар ўзининг нуқсонларга бойлиги блан 2-нчи МТСни йўлда қолдириб кетади. У МТС хизмат қилаётган колхозлардаги механизаторлар ҳам ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда. Райондаги «8 Март» колхозида хизмат қилаётган И. Ткаченко бошлиқ 9-нчи трактор бригадаси 4 «универсал» блан бир кунда 40 гектар ўрнига 29, «Ленинизм» колхозида хизмат қилаётган Я. Тоиров бошлиқ 14-нчи трактор бригадаси 3 «универсал» блан 36 ўрнига 8 гектар ғўзани культивация қилган, холос. Хрущев номли колхозда хизмат қилаётган М. Коваленко бошлиқ 12-нчи трактор бригадасининг универсалчилари ҳам ҳаддан ташқари суст ишламоқдалар. МТС шу кунларда ғўзанинг биринчи ишловида колхозларнинг 9369 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилиб бериши керак эди. Раҳбарларнинг ўз ишларига совуққонлик блан қарашлари, ишни тўғри ташкил қилабилмаганликлари, колхозлардаги трактор бригадалари устидан контрольлик уюштирмаганликлари, талабчанлик қилиш ўрнига расмиятчилик йўлига ўтиб олганликлари туфайли бу шарафли вазифанинг эндигина тўртдан бир қисми бажарилган, я'ни 2601 гектар ердаги ғўза ишловдан чиқарилган, холос.

Бундан ташқари, 2300 гектар ердаги ғўза 60х60, 45х45 сантиметр схемасида машина блан қирқилиб яганаланиши, бу вазифа 21 майгача бажарилиши лозим эди. Броқ бу соҳадаги иш ҳам ўтакетган даражада ҳафсаласизлик блан олиб борилмоқда. Шунинг натижасида эндигина 503 гектардаги ғўза ягана қилинди. МТСнинг бош инженери Н. Ткаченко ишнинг расволигидан оғиз очмайди-ю, ва'дабозликка келганда осмондан келади:

— Бажарамиз, сўзсиз бажарамиз, — дейди у.

Хўш, ўртоқ Ткаченко нималарга асосланиб «бажарамиз» дер экан? 14 майга қадар 503 гектар ердаги ғўза ягана қилинган бўлса, қолган 1800 гектарини қуруқ ва'дабозлик блан 21 майгача ягана қилиб бўлармикан?! Бош инженер ана шу ҳақда бир бош қотириб кўриши керак эди.

Район партия комитети ва ижроия комитетининг раҳбарлари ҳар иккала МТСнинг ҳозирги аҳволини чуқур ўрганишлари, мавжуд камчиликларнинг сабабларини аниқлашлари, механизация воситаларидан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда ғўза қатор ораларини ишлаш, биринчи навбатда яганалашни қучайтириб юбориш тадбирларини амалга оширишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
С. НУ'МОНОВ,

Илғор иш усулларини оммалаштириш тажрибасидан

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини тинмай ошираборишга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Чунки меҳнат унумдорлигини ошириш — тайёрланаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш блан бирга, давлат планларини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳамма имкониятлар бор. Корхоналар энг мукаммал техника блан та'минланганлар, уларда малакали ишчи кадрлар ва инженер-техник ходимлар бор. Эндиги вазифа ана шу имкониятлардан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, ишлабчиқаришда фойдаланилмай ётган резерврларни топиш, уларни ишга солиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини тинмай ошираборишдан иборатдир.

Ма'лумки, меҳнат унумдорлигини оширишнинг жуда кўп ва хилма-хил йўллари бор. Шулардан бири ва энг муҳими илғор ишчиларнинг бой тажрибаларини кенг оммалаштириш ҳамда шу асосда қолоқ ишчиларнинг малакасини тинмай ошираборишдир. Бу усул шунинг учун ҳам энг муҳимки, айрим илғор ишчиларнинг иш методларини кенг оммалаштириш орқали бутун корхона бўйича умумий юксалишга эришиш мумкин бўлади, айрим новаторларнинг ишлабчиқаришда эришган ютуғи бутун коллектив ютуғига айланади.

Бизнинг фабрикамиздаги ҳамма ишчиларнинг ўртача кўрсаткичи блан илғор ишчиларнинг ишлабчиқариш кўрсаткичи ўртасидаги фарқ 8—9 процентни ташкил этади. Бундан кўриниб туриптики, агарда биз қолоқ ишчиларни ҳам илғорлар даражасига етказсак, корхонада меҳнат унуми 8—9 процент ошади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархини бирмунча камайтириш ва пландан ташқари жуда кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Хўш, илғор ишчиларнинг бой тажрибаларини қандай қилиб бошқа ишчиларга ўргатиш мумкин? Мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг коллективлари бу соҳада жуда катта тажрибага эгадирлар. Жумладан, новаторлар мактаби, техника ўқуви тўғараги, илғор иш усулларига бағишланган ишлабчиқариш кенгашлари, турли хил инструктажлар ва бошқа жуда кўп йўллар блан илғорлар тажрибасини коллектив ўртасида кенг оммалаштириш мумкин.

Илғорлар тажрибасини бошқа ишчиларга ўргатишда инженер Ковалев методи айниқса катта аҳамиятга эгадир. Биз инженер Ковалев методи бўйича фабрикадаги йигиручи ва тўқучиларнинг иш услубини ўрганабошладик ва шундай хулосага келдик: ҳарбир ишчи смена тошпиригини ошириб бажариш учун турли хил усулни қўлланадилар. Ба'зи ишчилар бирхил иш приёмларини жуда тез бажарадилар, ба'зилари иккинчи бир иш приёмларини қўллайдилар, учинчилари ўзларининг иш жойларини рационал ташкил қиладилар, тўртинчилари эса ўзларининг иш вақтларини яхши планлаштирадилар. Ҳарбир ишчининг меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ўзига хос методларини хронометраж йўли блан бирма-бир ўрганиб чиқдик. Шундан сўнг биз ҳарбир ишчининг тажрибасидаги энг яхши, қулай томонларини олдик ва уларни бир-бири блан бирлаштириб, умумлаштирдик. Натижада меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот таннархини камайтиришга жуда катта ёрдам берадиган бир янги усул ҳосил бўлди. Бу усул айрим ишчининг тажрибасидан олинган усул бўлмай, балки у, бутун коллективнинг тажрибасидан йиғиб олинган — коллектив усул бўлди. Фабрика инженер-техник ходимлари илғор ишчилар блан биргаликда бу янги усулни атрофлича ўрғандилар ва уни ишлабчиқаришга татбиқ қилишнинг энг қулай йўлини белгиладилар. Ана шундан кейин биз бу янги коллектив усулни ҳамма ишчиларга ўргатабошлаймиз.

Ма'лумки, тўқимачилик саноатида иш приёмларини чақкон ва инструктажда кўрсатилганидек тўғри, аниқ бажариш ғоятда муҳим роль ўйнайди. Масалан, йигиручи бир смена давомида минг мартага яқин узилган ипларни улайди, мотальщица 8 соат иш процессида уч минг, тўқучи эса чигаллашган ипларни тўғрилаш учун 400 га яқин операцияни бажаради. Кўриниб туриптики, бу соҳадаги операциялар жуда майда. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, ҳарбир операцияни бажаришда тежалган секундлар минутларни, минутлар эса соатларни ташкил этади ва оқибатда тежалган вақт ҳисобига қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Шу сабабли кенг ишчилар оммасига илғор иш усулларини ўргатишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз.

Асос-йигирув цехининг илғор ишчиларидан Панченко ва Рябикина ўртоқлар узилган ипни улаш учун 2,6 секунд, ровница ўрнатиш учун 6,6 секунд вақт сарф этмоқдалар. Рустамова ва Колокотрони ўртоқлар эса узилган ипни улаш учун 4,2 секунд, ровница ўрнатиш учун 8,1 секунд вақт сарфлайдилар. Тўқучилардан Иванова, Чернецкая, Судоплатова ўртоқлар узилган ипни улашга 20—21 секунд вақт сарфлайдилар, Тешабоева, Скринько ва бошқа ўртоқлар эса худди шу операция учун 30 секунд вақт сарфлайдилар. Фабрикадаги бошқа касб ишчилари ўртасида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Ана шу ортиқча сарфланаётган секундларни тежаш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим факторидир.

Бизнинг илғор, новатор ишчиларимиз ўзларининг иш жойларини рационал ташкил этишга жуда катта аҳамият бериб келмоқдалар. Улар иш жойини доимо саранжом-саришта тутадилар, инструментларнинг ҳаммаси тартиб блан жойлаштирилиб қўйилади. Лекин шу блан бирга айрим ишчилар борки, улар смена давомида станок ёнидан бирнеча бор ўтадилар ва ҳарсафар ноқулай жойлаштирилган ящикка ёки бирор бошқа нарсага туртиниб юрадилар, аммо унга жиддий э'тибор бермайдилар. Ваҳоланки, шу ноқулай жойлаштирилган ёрдамчи буюмлар ишчиларнинг ортиқча ҳаракат қилишига олиб келади.

Иш жойини кўнгилдагидек тутиш учун бутун смена давомида иш жойини ташкил этиш масаласи блан жиддий шуғулланиш талаб этилади. Бизнинг фабрикамизда асбоб-ускуналарга қараб боришнинг соатлик графиги тузилган. Цехнинг ҳаммага яқол кўринадиган жойига циферблати 8 га бўлинган махсус соат ўрнатилган. Унинг катта стрелкаси ҳар соатда бир марта сурилади ва шу вақт ичида асбоб-ускуналарга қараш юзасидан қандай ишларни бажариш кераклигини ҳарбир ишчига эслатади.

Тўқимачилик саноатида ишлабчиқариш технология процессларининг узлуксиз равишда давом этиб туришига алоҳида э'тибор берилиши талаб қилинади. Жумладан, ипнинг чигал бўлиши ва узилишининг ўз вақтида олдини олиш, машинани яримфабрикат блан бир ме'ёрда та'миналб туриш — иш вақтидан ҳамда мавжуд механизмлардан тўла ва унумли фойдаланишда жуда катта роль ўйнайди. Шу операцияларни бажариш блан бирга айни вақтда иш жойини намунали тутишга доир бўлган ишларни ҳам бажариш керак. Бу процессларнинг ҳаммаси иш вақтининг 30 — 40 процентини ташкил этади.

Хўш, бу ишларнинг ҳаммасини қандай қилиб бир-бирига қўшиб олиб бориш керак? Бу масалани муваффақият блан ҳал қилишнинг бирдан-бир ва энг тўғри йўли — иш вақтини аниқ планлаштиришдадир. Кўпинча шундай ҳам бўладики, илғор иш усулларини моҳирлик блан қўлланиб ишлаётган ишчилар ўзларининг иш вақтини тўғри планлаштирмаганликлари учун бошқаларга нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўладилар. Смена давомида ортиқча вақтларни тежаш учун ҳарбир тўқучи маршрут графигига оғишмай амал қилиши лозим. Чунки маршрут графиги— иш вақтининг энг қулай формада планлаштирилганидир.

Биз иш жойини ташкил қилиш ва меҳнатни планлаштириш соҳасида коллектив ўртасидаги энг илғор усулларни систематик равишда ўрганиб борамиз. Бунинг учун биз ҳамма ишчиларнинг иш процесси давомида қўлланаётган турли хил усулларини ўрганамиз. Улардан энг яхшиларини танлаб олиб, шу усул асосида ҳарбир касб бўйича янги инструктаж ишлаб чиқамиз. Шундан сўнг ишлабчиқариш-техника курслари, илғор иш тажрибаларини ўргатучи мактаблар орқали ҳамма ишчиларни ёппасига янги инструктаж бўйича ишлашга ўргатамиз.

Илғор иш усулларини ишчиларга турли хил йўллар орқали ўргатиш блангина чеклаб қўйилса, у ҳолда кутилган натижага эришиш мумкин эмас. Чунки, ба'зи ишчилар дастлабки кунларда янги усулни қўлланишда бироз қийналадилар, тўғриро-ғи ишчилик қовушмайдилар. Шу сабабли уларнинг бир қисми ма'лум вақтдан кейин яна ўзининг ўрганганги — эски усул блан ишлайбошлайди. Шунинг учун янги методни ишчилар томонидан қандай қўлланилаётганини кун сайин, соат сайин кузатиб бориш, эски усул блан янги усулнинг курашида янгининг тўла ва узил-кесил ғалабасини та'минламоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш керак.

Илғорлари ишчиларни илғор иш усулларига ўргатиш, сўнг ўша янги усулларнинг қандай қўлланилаётганлигини текшириб бориш вазифалари ишлабчиқариш ўқувининг инструкторлари ҳамда меҳнат бўлимидаги ходимлар зиммасига юклатилган эди. Бундай усул кутилган натижани бермади. Бу ишни муваффақиятли ҳал қилиш учун биз бевосита ишчилар блан бетлиқ бўлган ўртоқларни, я'ни мастер ва уларнинг ёрдамчиларини жалб этдик. Бунинг учун биз уларнинг ҳаммасига янги иш приёмларини ўргатдик ва оқибатда янги усулни ўргатучи, унга амал қилишини бевосита назорат қилиб боручи 400 дан ортиқ раҳбар кадрларга эга бўлдик.

Корхонадаги ҳарбир мастер махсус журнал тутган, у журналга ишчи янги иш усулини қандай қўлланаётганлигини, ўз иш жойларини қандай ташкил қилаётганлигини систематик равишда ёзиб боради. Мастер янги усулни қўлланишда бирор ишчининг камчиликларга йўл қўйётганлигини кўрса, шу зоҳатиёқ у камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатиб беради. Бу метод, я'ни янги усулни мастерлар орқали ёйиш методи жуда яхши натижаларни бермоқда, бирор янгиликни тез вақт ичида бутун коллективнинг бойлигига айлантириш мумкин бўлмоқда.

Биз инструкторлардан тўғри фойдаланиш, уларнинг малакаларини ва мас'улиятларини янада ошириш мақсадида доимий семинарлар ташкил қилганмиз. Бундай семинарларга йигирув ва тўқув фабрикаларининг мудирлари раҳбарлик қилмоқдалар. Энг яхши инструкторларимиздан Борель, Решетова, Маслова ва бошқа ўртоқлар ўзларига топширилган участкаларда сидқидил блан ишлаб, катта обрў қозонмоқдалар.

Илғор иш усулларини кенг оммалаштириш натижасида биз корхонанинг техника-иқтисодий кўрсаткичини тинмай яхшилаб, маҳсулот таннархини камайтирмоқдамиз. Масалан, йигирув фабрикасида меҳнат унумдорлиги 1954 йилда 1950 йилдагига нисбатан 29,1 процент ортди. Агарда 1950 йилда ҳар 100 килограмм калава ипни ишлаш учун 382 сўм 79 тийин сарф қилинган бўлса, ҳозир 246 сўм сарфланмоқда. Шунингдек, асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэфициенти ошди, уларнинг бекор туриб қолиши бирмунча камайди.

Илғор усулларни оммалаштириш — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш блан бирга, унинг сифатини ҳам тинмай яхшилаш имкониятини бермоқда. Ҳозир корхонанинг жуда кўп ишчилари нуқул а'ло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш натижасида коллективимиз комбинат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада кўп йилдан бери биринчиликни олиб келмоқда. Фабриканинг кўпмингли коллективи бу соҳада қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва аҳолига кўплаб юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бериш учун бундан кейин ҳам ўзининг бутун куч ва ғайратини аямайди.

Г. ПЕШЕС,
И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати 1-нчи фабрикасининг бош инженери.

Жаҳон Тинчлик Ассамблеяси олдидан

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг матбуот конференцияси

ВЕНА, 18 май. (ТАСС). Бугун Венада Ауэршперг саройида Австрия ва четэл журналистлари учун Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариати чақирган матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференциясида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бош секретари Жан Лаффит ва Жаҳон Тинчлик Кенгашининг а'золари Эммануэль Д'Астье де ла Вижери (Франция), Изабелла Блюм (Бельгия), Риккардо Ломбарди ва Акил де Корона (Италия), Илья Эренбург (СССР), Икуо Ояма ва Кинкадзу Сайондзи (Япония) ҳозир бўлдилар.

Д'Астье де ла Вижери матбуот конференциясини очиб айтдики, 17—18 майда Венада Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг сессияси бўлди. Сессияда жумладан тинчликсевар кучлар вакилларининг Хельсинкида бўладиган Жаҳон ассамблеясига тайёргарлик кўриш блан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

Бу матбуот конференцияси, деб уқтириб ўтди Д'Астье де ла Вижери, австрия халқи учун қувончли кунларда чақирилди: эндигина давлат шартномаси тузилдики, бу шартнома Австриянинг озодлигини ва мустақиллигини та'минлайди.

Сўнгра Д'Астье де ла Вижери Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг Австрия давлат шартномаси имзоланганлиги муносабати блан чиқарган баёнотини ўқиб эшитдирди.

«Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариати, — дейилади баёнотда, — Австрия Давлат шартномаси тузилганлигини табриклайди, бу шартнома ҳамжиҳатлик ва тинчлик йўлида янги қадамдир.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариати Австрия халқига қизғин салом топширади ва унга ўз миллий қаётини тинч йўл блан ривожлантиришда энг яхши муваффақиятлар тилайди.

Австриянинг мустақиллиги ва бетарафлиги унга дун'ёдаги барча халқлар блан дўстона муносабатлар ўрнатишда ва улар блан савдо алоқаларини ҳамда маданий алоқаларни эркин ривожлантиришда ёрдам берсин.

Зўровонлик сиёсатини юргизиш ва дун'ёни бир-бирига душман бўлган блокларга ажратиш сиёсатини юргизиш уруш хавфини кучайтиргани ҳолда, Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш ва атом уруши тайёрлаш халқаро кескинликни кучайтиргани ҳолда, Австрия Давлат шартномасининг тузилиши жаҳон халқларига янги умидлар бағишлаган битим ва шартномалар қаторидаги бир звенодир.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши музокаралар идеясини жанжалли халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал этишда бирдан-бир мумкин бўлган йўл деб кўп йиллар давомида илгари суриб ва ҳимоя қилиб келди. Музокаралар идеяси янги муваффақиятлар келтирмоқда. Бу идеяни халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватласи блаток, у ҳукуматлар қабул қиладиган қарорларда муҳим роль ўйнайдиган бўлиб қолмоқда.

Биз ишонамизки, Европада ҳам, Осиёда ҳам ҳамжиҳатлик руҳида, манфаатдор ҳукуматлар ўртасида ҳалол музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш мумкин бўлмаган жанжалли халқаро масалалар йўқ.

Халқлар тўрт буюк давлат ўртасида бўладиган музокараларнинг ана шундай руҳда ўтказилишини тилайдилар».

Австрия блан Давлат шартномаси тузилганлиги, яқинда Бандунгда Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси бўлиб ўтганлиги ва бошқа бирқанча ана шундай фактлар, деди Д'Астье де ла Вижери, халқаро кескинлик бирмунча юмшаганлигидан дарак беради. Брок жаҳонга атом уруши хавфи таҳдид қилмоқда. Шимолий Атлантик блоки кенгаши атом қуролини ишлатишга қарор қилганлиги муносабати блан бу хавф янада кучайди.

Д'Астье де ла Вижери эслатиб ўтдики, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ташаббуси блан 22 — 29 июньда Хельсинкида тинчликсевар кучлар вакилларининг Жаҳон Ассамблеяси ўтказилади. Ассамблея халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик учун курашни кучайтириш ишида катта роль ўйнайди.

Сўнгра Жаҳон Тинчлик Кенгаши а'золари Австрия ва четэл матбуоти вакилларининг жуда кўп саволларига жавоб қайтардилар ҳамда тинчликсевар кучлар вакилларининг Жаҳон Ассамблеясини ўтказишга турли мамлакатларда кенг тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Бу ассамблеяда жуда кўп вакил қатнашади. Ассамблеянинг ишидан кўп мамлакатлар хилма-хил касб эгаси бўлган, турли сиёсий фикрда ва турли диний э'тиқодда бўлган вакиллар, кўзга кўринган олимлар, давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар қатнашади. Масалан, Франция Миллат мажлисининг фахрий раиси Эдуард Эррио бу ассамблеяда Франция делегациясининг фахрий раҳбари бўлишга розилик берди.

Япония, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Америка ва бошқа бирқанча мамлакатлар делегацияларининг а'золари орасида парламентларнинг депутатлари ва турли сиёсий партияларнинг раҳбарлари бор. Мексика делегациясига ё республика президенти ўзи ёки унинг шахсий вакили бошчилик қилади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши а'золари уқтириб ўтдиларки, Ассамблеянинг ишида бетараф мамлакатлар — Австрия, Швейцария Швеция ва бошқа шу каби мамлакатларнинг делегациялари катта роль ўйнайди.

Бу ассамблеяда эркин дискуссия вақтида атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги, Европа ва Осиё мамлакатларида хавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги, миллатлар ўртасида нормал иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги масалалар, ҳарбий блоклар тузилишига қарши кураш блан боғлиқ бўлган масалалар ва бошқа кўпгина масалалар муҳокама қилинади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА, 18 май. (ТАСС). Чехословакия республикаси Миллат мажлисининг президиуми 17 майда бўлган мажлисида Европа давлатларининг, Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан бўлиб ўтган Варшава кенгашида қатнашган 8 мамлакат имзолаган шартномани — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги шартномани Миллат мажлисининг ташқи ишлар ва ҳуқуқ комитетлари муҳокамасига топширишга қарор қилди.

Миллат мажлиси президиуми дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқ учун Миллат мажлисининг сессиясини 1955 йил 24 майда чақиришга қарор қилди.

Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг сессияси ҳақида

БУДАПЕШТ, 18 май. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги хабар беради: Венгрия Халқ Республикасининг президиуми дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақида 14 майда Варшавада Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси имзолаган шартномани ратификация қилиш учун 25 майда давлат мажлисини чақиради.

Албания блан Югославия ўртасида савдо битими имзоланди

БЕЛГРАД, 18 май. (ТАСС). «Борба» газетасининг хабар беришича, кеча Белградда Югославия блан Албания ўртасида 1955 йил 31 декабрьгача бўлган муддат блан савдо ва тўлов битимлари имзоланган. Битим бирярим миллион доллар миқдорида товар айирбошлашни кўзда тутади.

Югославия Албанияга ҳархил сортли қоғозлар, кўн саноати, тўқимачилик ва химия саноати моллари, ҳархил хомаш'ё ва ба'зи саноат буюмлари чиқаради. Албания Югославияга нефть, тери, мўйна, жун, сурп ва бошқа товарлар етказиб беради.

Тинчлик халқаро велосипед пойгаси тамом бўлди

ВАРШАВА, 17 май. (ТАСС). Бугун Варшавада Прага—Берлин—Варшава маршрути бўйича «Руде право», «Нейс Дейчланд» ва «Трибуна люду» газеталарининг редакциялари ташкил қилган традицион тинчлик халқаро велосипед пойгаси тугади.

17 мамлакат велосипедчилари Поляк қўшини Марказий стадионида маррага етиб келдилар. Стадионда Польша пойтахти механкашларидан 50 мингдан кўпроқ киши тўпланди. Стадионда Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши раиси А. Завадский, Министрлар совети раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси МК Сиёсий бюросининг а'золари, ҳукумат ва Давлат кенгаши а'золари, шунингдек Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари ва Мудофаа министри Пин Дэ-хуай (у Европа мамлакатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан бўлиб ўтган Варшава кенгашида кузатучи сифатида қатнашган эди) ҳозир бўлдилар. Стадионда СССРнинг Польшадаги элчиси П. К. Пономаренко, бирқанча мамлакатларнинг Варшавадаги элчихоналарининг бошлиқлари ва ходимлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Спортчилар икки ҳафта давомида қарийб 2.200 километр масофани босиб ўтдилар. Лодзь блан Варшава ўртасидаги сўнгги, ўнучинчи этапда Бельгия спортчиси Верхельст ғолиб чиқди. Бу этап бўйича команда зачетида бельгияли спортчилар биринчи ўринга чиқдилар.

БМТ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИССИЯСИНИНГ КИЧИК КОМИТЕТИДА

ЛОНДОН, 18 май. (ТАСС). Бугун БМТ Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Канада вакили Жонсон раислик қилди. Келгуси мажлис 1 июньда бўлади деб қарор қилинди. Бу эса шу вақт ичида Кичик комитетда вакиллари қатнашаётган беш ҳукуматга юз берган аҳволни ва Кичик комитет шу йил 25 февральда ишга киришган вақтдан буён эришилган прогрессни муҳокама қилиш имкониятини беради.

ЛАНЬЧЖОУ — УРУМЧИ — ОЛМАОТА ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

ПЕКИН, 18 май. (ТАСС). Ланьчжоу — Урумчи — Олмаота темир йўл магистралини қурувчилар ҳозирги вақтда Увейдан ғарбдаги участкада темир йўлга тупроқ ва из ётқизмоқдалар. Кеча Хитой темирйўлчилари Ланьчжоудан 393 километр ғарби-шимолдаги Хуншань станциясида темир йўлга из ётқизиб бўлдилар.

Хуншань станциясидан анча ғарбда, Юймин — Хами участкасида топографлар отрядлари ишламоқда. Улар темир йўл ўтадиган трассани белгиламоқда.

Францияда кунлар совиб кетди

ЛОНДОН, 18 май. (ТАСС). Лондон радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Европада кунлар совуқ, ба'зи жойларда қалин қор ёққан. Шу муносабат блан Францияда ҳам кунлар совуб кетган. Шимолий Бретанида тунги совуқлар картошка экинларини нобуд қилган. Дастлабки ҳисобларга кўра, совуқ натижасида кўрилган зарар бирнеча юз миллион франкка стади.



Тунқотош, Оқшўрон, Боботоғ каби тоғлар Оҳангарон шаҳри теварагида баланд қад кўтариб туради. Ўзбек шахтёрлари шаҳри мана шу тоғлар оралиғига жойлашган. Оҳангарон дар'ёси чўққилари абадий қорликлар блан қопланган Чатқол тоғидан бошланиб, шу гўзал водийга ҳаёт сувини элтади.

Оҳангарон тоғи оралиқлари ва унинг ёнбағирлари арча, олча, ёнғоқ, писта, бодом, қора олча дарахтлари блан қопланган. Бу ерларда оқ қайин ўрмонлари ва бошқа дарахтзорлар кўмкўк яшнаб туради. Новгарзон, Турмуш, Дўкат каби сойларнинг тикка жарликлари ва баланд чўққиларида турли-туман ҳайвонлар: ёввойи чўчқалар, бўрсиқлар, жайралар, савсарлар, айиқлар, шунингдек қоплон, қора силовсин ҳам кезиб юришади.

Тоғ ёнбағирларидаги қалин қамишзорлар блан қопланган булоқларда ўрдак, қирғовул каби қушлар учиб юрадилар. Оҳангарон дар'ёсининг тубида эса марина, сом, сазан каби баликлар бор.

Тоғларда ов блан шуғулланиш шаҳар меҳнаткашларининг энг севимли машғулотларига айланган. Шаҳарда ташкил этилган овчилар жамияти ҳозир 500 га яқин а'зога эга. Булар орасида шахтёрлар, бинокорлар, ўқитучилар, ишчилар ва бошқа касбдаги кишилар бор. Улар ҳар йили ов мавсумида бу жойларда бўладилар.

Бу йилги овлар меҳнаткашларда чуқур таассурот қолдирди. Жамиятнинг кўпгина а'золари ўзларининг қобилиятли, жасоратли ва саботли эканликларини намойиш қилдилар. Е. Большаков, Г. Летенко, А. Сингатуллин, Н. Дмитриев сингари моҳир овчиларнинг номи бутун шаҳарга ма'лум.

Жамиятнинг кўпгина а'золари, тоғларда ов қилишдан ташқари, Оҳангарон водийсидаги қушлар ва ҳайвонларнинг қаётини ўрганиш блан ҳам шуғулланадилар. Масалан, ҳаваскор овчи Юрий Ткавенко олатўғаноқларнинг қайҳилда овқатланишини катта қизиқиш блан кузатиш натижасида улар ўз болаларини мамлакатимизнинг марказий қисмида яшовчи олатўғаноқлар каби алоҳида-алоҳида эмас, балки группа ҳолда, оилавий усулда боқишларини аниқлаган.

Бургутларни қўлда махсус тарбиялаётган ва уларнинг ёрдами блан тулки, қаклик каби ҳайвон ва қушларни овлайдиган Оҳангарон тоғи оралиғида яшовчи овчилардан кўпгина нарсаларни билиш ва ўрганиш мумкин.

А. ОВУЛОВ.

СПОРТ

Республика биринчилиги учун шашка мусобақаси

Мусобақанинг олтинчи тури жиддий кураш вазиятида ўтди. Спорт мастери Ш. Ёқубов Л. Шварцнинг суст ўйинидан яхши фойдаланди ва ғалаба қозонди. Мастерликка кандидатлар С. Гуляев ва И. Яворскийнинг партияси узоқ курашдан сўнг дуранг бўлди. Шунингдек Е. Черкасский — Ф. Ҳасанов, Л. Кац — К. Темиров, спорт мастери Л. Хайф — А. Яковлев ўйинлари ҳам дуранг бўлди. С. Давидов В. Раппопортни ютди.

А. Круглов — Н. Берштейн партияси Кругловнинг кўли баланд ҳолда кечиктирилган эди. Ўйин давом этдирилгач, А. Круглов ўз устунлигидан тўғри фойдаланиб, ғалабага эришди. Кечиктирилган ўйинларда С. Гуляев В. Яковлевни, С. Давидов Л. Кацни ва И. Берштейн Л. Шварцни ютди. В. Александров — Л. Кац учрашуви дуранг бўлди.

Ўйиннинг еттинчи турида спорт мастери Л. Хейф Л. Шварцни ютиб, ўз лидерлигини мустаҳкамлади. Ш. Ёқубов Е. Черкасскийни, В. Раппопорт К. Темировни ютди. Биринчи разрядли Ф. Ҳасанов А. Кругловни ютиб, лидерлар қаторига ўтди.

Л. Кац мастерликка кандидат П. Берштейн устидан ғалаба қозонди. С. Гуляев — А. Яковлев, В. Александров-И. Яворский ва С. Давидов—В. Яковлевларнинг учрашувлари дуранг бўлди.

Шундай қилиб, еттинчи турдан сўнг Хейф — 6 очко, Ёқубов, Ҳасанов ва Гуляев — 5 тадан очко, Александров — 4,5 очко олиб олдинда бормоқдалар.

Шахмат мусобақаси

(Телеграф орқали олинди). Шу йил 6 майда Сталинобод шаҳрида СССР XXIII шахмат биринчилиги учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон зонал мусобақаси бошланди. Мусобақага Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан 18 та энг кучли шахматчи қатнашмоқда. Булар орасида битта спорт мастери ва мастерликка кандидатлардан 5 киши бор. Ўзбекистондан мастерликка кандидат, Тошкент шаҳар чемпиони М. Муҳиддинов, мастерликка кандидатлар Бирбрагер, Элбеков, самарқандли Сарваровлар мусобақада иштирок этмоқдалар.

Саккизинчи турда самарқандли Сарваров мусобақа лидерларидан бири Сливин устидан ажойиб ғалаба қозонди. Муҳиддинов (Тошкент) — Крутихин, Элбеков (Тошкент) — Ханов (Туркманистон) ўйинлари дуранг бўлди. Бирбрагер (Тошкент) Мердковичга ютқазди.

Шундай қилиб, саккизинчи турдан кейин Уфимцев (Қозоғистон) 6 очкога, Ханов, (Туркманистон) 5,5 очкога, Элбеков, Муҳиддинов ва Гусевлар 5 тадан очкога эга бўлдилар.

Мусобақа 3 июньгача давом этади.

—0—

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туради, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Температура 28—31 даража иссиқ бўлади.

—◇—

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига билдирадики, 23 май душанба куни соат 19 да шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, 29 уй) «Социалистик қонунчилик ва жамоатчилик тартибини та'минлаш» деган темада лекция бўлади.

Область юстиция бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эрматов доклад қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Донгдор хотин-қизлар блан учрашув

Яқинда Горький номли рус драм театрининг ёзги биносида В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети студентларининг донгдор хотин-қизлар блан учрашуви бўлди. Учрашувда Ўзбекистон КП Марказий Комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири Ҳ. Муҳиддинова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. Илҳомова, СССР Олий Советининг депутати, физика-математика фанлари кандидати М. Султонова ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Ҳ. Муҳиддинова ўз сўзида Октябрь революциясидан илгари ўзбек хотин-қизларининг азоб-уқубатда яшаганликлари, уларнинг гражданлик ҳуқуқларидангина эмас, балки энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилганликлари ҳақида гапирди. Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қизларини бой ва феодаллар зулмидан абадий озод қилди, уларни ижтимоий ҳаётга, жамоат ишларига жалб этди.

Учрашувда сўзга чиқан ўртоқ Ж. Илҳомова ҳозирги вақтда ўзбек хотин-қизларидан СССР Олий Советининг депутатлари, кўплаб фан докторлари, СССР халқ артистлари етишиб чиқаётганлиги тўғрисида сўзлади. Эндиликда ўзбек хотин-қизлари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳамда Сталин мукофоти лауреатлари бор.

Учрашувда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти Юсупова сўзга чиқиб ўзбек қизларига олий ма'лумот олиш имкониятини берган жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик сўзларини айтди.

Университет философия кафедрасининг мудири профессор Н. М. Мирошхина ўзбек олималари олиб бораётган илмий ишлар перспективаси ҳақида гапирди.

Учрашув охирида В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети ўзбек драма тўгарагининг иштирокчилари ижросида Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» комедияси кўрсатилди.

Н. ИСОМОВА.

Намунали парк

Киров районидаги «Победа» маданият ва истироҳат парки коллективи аҳолига маданий хизматни яхшилаш мақсадида бирқанча тадбирларни амалга оширди.

Паркдаги қайиқ станцияси икки баравар кенгайтирилди, Калинин областидан келтирилган 30 та қайиқ ишга туширилди. Янги чойхона мунтазам ишлаб турипти. Биллиардхона, спорт майдончаси ва болаларнинг дам олиш майдончалари яхшиланди.

Паркка кирган кишининг кўзи В. И. Ленининг туғилган кунига 85 йил тўлиши муносабати блан ўрнатилган ҳайкалга ҳамда С. М. Кировнинг ҳайкалига тушади. Маданият ва истироҳат парки партия ва ҳукуматимизнинг оғир индустрияни юксалтириш, хўжалигимизни ҳартомонлама ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга оширилаётганини кўрсатучи шиор, плакат, диаграммалар блан безатилган.

С. ҚОРАБОЕВА.

Чорва ходимларининг семинари

Яқинда Оҳангарон район партия комитети чорва ходимларининг семинарини ўтказди. Семинар қатнашчиларига район партия комитетининг секретари ўртоқ Муҳамедов «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарори — чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий программаси», район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ўтабоев «Чорва сонини ва унинг маҳсулотини оширишда ҳисоб-китобни тўғри олиб боришнинг роли» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

Лекциядан сўнг илғор чорвадорлар қўзилатиш кампаниясининг муваффақиятли ўтгани ва сигирларни қўлда боқишга ўтказилгандан кейин эришилган дастлабки ютуқлар ҳақида гапирдилар.

Семинарга колхоз ферма мудирлари, бухгалтер, колхоз бошланғич партия, комсомол ташкилотларининг секретарьлари ва чорвачилик мутахассисларидан ўзга яқин киши қатнашди.

А. А'ЗАМОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/V да **Гамлет**, 21/V да **Қутлуғ қон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/V да **Боқчасарой фонтани**, 21/V да **кундуз Бахт соҳили**, кечқурун **Гулсара.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 21/V да **Фарҳод ва Ширин.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/V да СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Булбул Мамедовнинг гастрольлари.** Фортепианода — **А. Содиқов.** Программада: композиторлардан Гажибеков, Рустамов, Ниёзий, Тигранян, Бобоев асарлари, Озарбайжон халқ қўшиқлари. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

«РОДИНА» эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Бой келин.**

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10 ва кеч 10 яримда **Бой келин**, кундуз соат 3.45 минутда **Ҳинд сан'ати усталари.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — янги бадиий фильм **Яшил води.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Темур ва унинг командаси**, кечқурун **Жонажон мамлакатимиз бўйлаб.**

ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН БОШ МИНИСТРЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

ДЕҲЛИ, 18 май. (ТАСС). Бугун Деҳлида Ҳиндистон бош министри Неру блан Покистон бош министри Муҳаммад Али ўртасида 14 майдан бўён давом этиб келган музокаралар тугади. Музокараларда ҳар иккала мамлакатнинг ички ишлар министрлари ҳам қатнашди.

Бу музокаралар вақтида Ҳиндистон блан Покистонни қизиқтираётган турли масалалар, жумладан, Кашмир проблемаси, шунингдек иккала мамлакат ўртасидаги чегара можароларининг олдини олиш масаласи муҳокама қилинди.

Ҳиндистон информация бюросининг хабарига қараганда, бугун айни бир вақтда Деҳлида ва Карачида э'лон қилинган ахборотда бундай дейилади: «Биргаликда олиб борилган музокаралар вақтида Кашмир проблемаси ҳамма аспектлари бўйича муҳокама қилинди. Иккала ҳукумат бу музокаралар вақтида муҳокама қилган турли моддаларни батафсил кўриб чиққанларидан кейин, бу музокаралар кейинчалик давом этдирилади, деб қарор қилинди».

Шу блан бирга, Ҳиндистон ички ишлар министри Годвин Пант блан Покистон ички ишлар министри Искандар Мирза ўртасида махсус музокаралар олиб борилган. Бу музокаралар натижасида, чегара можароларининг олдини олиш ҳақида битимга келинган.

Ҳиндистон информация бюросининг хабар беришича, 17 майда иккала министр биргаликда ахборот э'лон қилганлар. Ахборотларда айтилдики, чегара жанжалларининг олдини олиш ҳақидаги масалада «министрлар чегарани демаркация қилишни мумкин қадар тезроқ тамомлаш ҳақида бир фикрга келдилар. Демаркация қилиш иши тамом бўлгунча ҳар иккала мамлакатнинг қуролли кучлари ўртасида ҳархил конфликтлар бўлиши эҳтимолининг ва тўқнашувлар юз бериш хавфининг олдини олиш мақсадида бирмунча чоралар кўришга қарор қилинди».

18 майда Покистон бош министри Муҳаммад Али Деҳлидан Карачига самолётда учиб кетди.

ЭЙЗЕНХАУЭР ҲУЗУРИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 18 май. (ТАСС). Бугун матбуот конференциясида президент Эйзенхауэрга буюк давлатларнинг бўладиган кенгаши ва Совет-Америка муносабатлари блан боғлиқ бирқанча саволлар берилган эди.

Эйзенхауэр тўрт давлат кенгашини чақириш перспективаларига тўхталиб, «албатта, ҳарқандай умидворлик бўлганда ҳам, эҳтиётлик блан ҳаракат қилиш керак» деди. Ғарб, деди у шу блан бирга, тўрт давлат кенгашига илгаригига қараганда анча катта кучга эга бўлган ҳолда келмоқда.

Эйзенхауэр музокаралар блан боғлиқ бўлган масалаларга жавоб қайтариб, АҚШ ҳукумати «тинчиш тузоғи»га тушмайди дейди.

Эйзенхауэр совет авиациясининг кучқудрати блан боғлиқ саволларга жавоб қайтаришга анча катта э'тибор берди.

АНГЛИЯДА ҚОР БУРОНЛАРИ

ЛОНДОН, 18 май. (ТАСС). Англиянинг бирқанча районларида одатда йилнинг бу фаслида ҳеч бўлмаган қор бўронлари бўлиб ўтди. Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, бу районлардаги қор уюмлари йўлларда қатновни жуда қийинлаштирмоқда. Телеграф ва телефон линиялари шикастланган.

Газета ва журналларга

1955 йилнинг 2-нчи ярми учун обуна қабул қилинабошланди

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Тошкентская правда»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни»,

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Пионер»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Снёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари»,

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек почтальонлар, ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика ва заводлар, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р. 00792. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1437.